VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

10 (71) 2010 йил 10 март, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси www.milliytiklanish.uz



### Чуқур таҳлил ва амалий ишлар

Айнан партиямиз электоратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни чуқур ўрганиб, уларни ҳал қилиш юзасидан ўз таклифларимизни илгари суришимиз лозим. Партиямиз амалий ишлари ва ўзига хос иш услуби билан бошқа партиялардан яққол ажралиб туриши зарур.

2-бет



### "Илтимос, қўл телефонингизни ўчиринг!"

Мутахассисларнинг фикрича ахборот асрида яшаётган инсонлар бир сутка давомида қаттиқ чарчоқ кайфиятига тушиб қолар экан. Бунга сабаб, онгимиз қабул қилган маълумотларни тўлиқ ўзлаштириб улгурмасдан, бошқа ахборотларга дуч келади.

5-бет



### Табиат инжиқликлари

Умуман бу йилги қиш қатор мамлакатларга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказди. Таҳлилчилар, ноқулай об-ҳавога сайёрамизда иқлимнинг ўзгариб бориши сабаб бўлмоқда, деган фикрларни айтишмоқда.

7-бет

MT БУГУНГИ СОНДА:

СИЁСАТ 2-бет
- Чуқур таҳлил ва амалий ишлар
- Депутатлик назоратини ўрнатиш

ПАРТИЯ ҲАЁТИ 3-бет
- Баркамол авлод тарбияси
- Электорат манфаатларини таъминлаш

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
- Маҳалла — миллий кўзгу
- Солиқ имтиёзлари

МАЪНАВИЯТ 5-бет
- Нурота чеварлари
- Олдини олган афзал

ЖАРАЁН 6-бет
- Интерфаол усул
- Келажак — ёшлар қўлида

ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
- Коинотга саёҳат
- Дунёдан дараклар

НИГОҲ 8-бет
- Яшаб яшнатаётган одамлар

2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ



## Таълим тараққиёти

### КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

***Мамлакатимизда ёшларга таълим-тарбия бериш, уларнинг бугунги замон талаблари даражасида билим олишлари, жисмонан ва маънан соғлом ўсиб, ўз интеллектуал салоҳиятларини намоён қилишлари, шу орқали жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашлари йўлида зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида ҳам халқимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этган, таълим-тарбия жараёнини замонавий руҳда ташкил этишга хизмат қилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилганлиги ҳақида тўхталиб ўтдилар.

(Давоми 6-бетда)

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

## Рақобат

### МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР ГАРОВИ

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир» деб номланган маърузасида бўлиб ўтган сайловлар халқимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданияти, фуқаролик масъулияти тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди, дея алоҳида таъкидлади.***



Қолаверса, маърузада Конституциямиз муҳрлаб қўйган давлат ҳокимияти тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига риоя қилган ҳолда, парламент ҳокимиятининг амалий ролини кучайтириш масалалари эътиборимиз марказида туриши лозимлиги ҳам уқтирилди. Юртимиз раҳбари айтганидек, ушбу муҳим вазифаларни амалга оширишда кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришга, сиёсий партиялар фаоллигини оширишга, улар ўртасида рақобат асосидаги курашнинг кучайишига шароит туғдириб бериш лозим.

Энди авваллари бўлгани каби партиялар фақат сайлов жараёнларида жонланиб, кейин сувга тушган тошдек жимиб кетишлари мумкин эмас. Ҳар бир партия ўз электорати ва сайловчиларига берган ваъдалари ҳамда Дастурларидан келиб чиққан ҳолда фаол ва соғлом рақобат асосида иш олиб боришлари зарур. Яъни, партиялар ўртасидаги бўлиб ўтган сайловолди кураши, Олий Мажлисимизнинг янги таркибини шакллантириш чоғидаги ғоя ва дастурлар кураши парламентнинг ҳам кундалик ҳаёти ва фаолиятига айлансагина кутилган натижаларни беради.

Мажлисда Юртбошимиз эслатиб ўтганидек, Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобат қанчалик кескин ва кучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий кучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партиянинг ғоялари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишининг кафолати ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

(Давоми 2-бетда)

ПАРЛАМЕНТ

## Юксак масъулият

### ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

***Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларини демократлаштириш ва либераллаштириш йўлида амалга оширилаётган муҳим ўзгаришларнинг пировард мақсади — мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишдир. Юртимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа — 2009 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган сайловлар жараёни бу ислоҳотларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди десак янглишмаймиз. Унинг якунидан келиб чиқадиган хулосалар эса мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил илгарилаб бораётгани, аҳоли сиёсий онг ва тафаккури юксалаётгани, уларда юрт равнақи ва тараққиётига дахлдорлик ҳисси ортаётганидан далолат беради.***

(Давоми 4-бетда)

ИСЛОҲОТ

***Андижон ҳақида, бу гўзал юртнинг қадимий тарихи, бу ерда яшайдиган одамларнинг ноёб фазилатларга эга экани, мардлиги ва вафодорлиги, ташаббус ва изланувчанлиги ҳақида кўп гапириш мумкин. Андижон халқи ўзининг азму шижоати, янгиликка интилиши, тадбиркорлиги билан нафақат мамлакатимизда, балки чет эллик ҳамкорлигимиз ўртасида ҳам обрў-эътибор топмоқда.***

**Ислом КАРИМОВ**

## Яшаб яшнатаётган одамлар

Республикамизда жаннатмакон диёр деб ном олган Андижон нафақат ўзининг ошуфта табиати, бетакрор манзаралари ва хуш ҳавоси билан ҳам маълум ва машҳур. Зеро, барча соҳада бирдай фаол андижонликлар, улар қилаётган фидокорона меҳнат, унинг орқасидан топаётган қадр, иззат ҳақида бугун ҳар қанча фахр билан гапирсак кам.

(Давоми 8-бетда)

МУНОСАБАТ

## Олам гўзал онам билан

***Нонушта чоғида онажонимдан кўз узолмай қолдим. У кишининг ҳар биримизга бир олам қувонч бўлиб, боқишларида беқиёс оналик меҳри балқиб турар, бу тенгсиз қудрат туйғуси мени тамоман сеҳрлаб қўйган эди. Бунинг боисини англаш учун азиз волидамга фарзандлик садоқати ила термулиб ўтириб, бир ҳақиқатни тушундим.***

Она учун энг олий совға – бу ўғил-қизининг саломатлиги, тинчлиги, ҳаётидан мамнунлиги экан. Фарзанднинг қувончи онанинг кўнглини тоғдек юксалтиради. Унинг ютуғи, обрў-эътибори, элнинг ҳурматини қозониши онанинг умрига умр қўшади. Қалбини фахр ва ғururга тўлдиради. Она шундай. Ўзининг ташвишини, нимадандир ранжиганлигинию, дардини яширса яширадику, лекин, шодлигини яширмайди, яширолмайди. Уни фарзандига илинади. Фарзанди олдида бўладими, бир қадам узоқда бўладими, она уни ҳар лаҳза йўқлаб туради. Йўқламасдан туролмайди. Бир неча кун кўрмаса борми, ҳаловат билмай қолади. Фарзанди кўз олдидан ўтаверади. Ўтирса ҳам, турса ҳам хаёлида фарзанди намоён бўлаверади.

(Давоми 4-бетда)

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

# Рақобат

## МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қўшма мажлисдаги маърузада қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент ва депутатлик назорати етарли даражада ўрнатилмаганини афсус билан тилга олинди. Ҳолбуки Қонунчилик палатаси ва Сенатда вақти-вақти билан мунтазам равишда вазирликлар, қўмиталар ва ижро этувчи ташкилот раҳбарларининг ахборот ва ҳисоботларини эшитиб боришни янада кучайтириш олдимиздаги асосий вазифадир. Бундай тажрибани кенг миқёсда вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида ҳам қўллаш, йўл қўйиладиган камчиликлар олдини олишга, қонунлар ижросини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

2010 йил давлатимиз раҳбари томонидан «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинди. Ушбу йўналишда Давлат дастури ҳам ишлаб чиқилди. Дастурда белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилгани эътиборга молик. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бугун фарзандларимиз учун сарфланаётган маблағлар кўрсатилаётган чексиз эътибор, мамлакатнинг эртанги куни, яъни порлоқ келажаги гуллаб-яшнаши учун хизмат қилиши шубҳасиз. Билимдон, ақлли, баркамол авлодни тарбиялаш учун республикамизда 1508 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қуриб фойдаланишга топширилди. Уларда 1 миллион 484 минг нафардан ортиқ ўқувчи таълим олмоқда. Айни кунда бу ёшларга 104439 нафар ўқитувчи ва мураббийлар таълим-тарбия бермоқда. Биргина 2009-2010 ўқув йилида 196 та касб-ҳунар коллежлари ва 18 та академик лицейлар ишга туширилди. Ҳали бу эзгу ишлар яна давом эттирилади.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг 1-бандида кўрсатилган болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида ҳам фикр юритилганки, бу ўз-ўзидан парламентимиз зиммасига ҳам юксак масъулият юклайди. Зеро, ёшларга оид амалдаги қонунларни такомиллаштириш чуқур изланишларни талаб қилади. Чунки уларда биз орзу қилган баркамол авлоднинг орзу-ўйлари, мақсадлари ўз ифодасини топиши керак.

Ўзбекистон жаҳон молиявий инқирози даврларида ҳам барқарор ўсиш суръатига эришиб келаётган саноқли давлатлар сафидан ўрин олди. Президентимиз айтганидек, эндиги марра ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишдан иборат.

**Шавкат БОЛТАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

### "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши қуйидагиларни маълум қилади

2009 йилда давлат бюджети томонидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига 1 444 355 000 сўм ҳамда 2009 йил ноябрь ойида қўшимча 3 405 000 сўм, жами 1 447 760 000 сўм пул маблағлари ажратилди. Ажратилган маблағларнинг 1 391 186 763,43 сўм тасдиқланган смета асосида харажат қилинди. Ишлатилмаган 56 573 236,57 сўм маблағлари Адлия Вазирлигига қайтариб берилди.

Адлия Вазирлигига қайтарилган 56 573 236,57 сўм пул маблағлари Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девони, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Навоий, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ойлик маоши ҳамда IV гуруҳ харажатларидан иборат.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг 2009 йилда бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига 174 452 800 сўм аъзолик бадаллари ва 11 763 000 сўм ҳомийлик маблағлари келиб тушган. 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамларида 71 961 400 сўм пул маблағлари қолдиғи мавжуд.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига 2010 йил учун давлат бюджетидан 2 236 494 000 сўм пул маблағлари ажратилди. Шундан,

иш ҳақи ва ажратмага - 1 823 447 220 сўм

IV гуруҳ бошқа харажатларга - 413 046 780 сўм

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси учун ажратилган жами 2 236 494 000 сўм пул маблағлари 2010 йилнинг смета харажатларига киритилган.

**ЎзМТДП Марказий Кенгаши**

# СИЁСАТ

✦ ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

*ЎзМТДП ҳудудий ташкилотларининг бўлиб ўтган пленумларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар кенг ва атрофлича муҳокама қилиниб, партия ташкилотларининг истиқболдаги иш режалари белгилаб олинди. Пленумларда ҳудудий партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, ЎзМТДП фракцияси аъзолари партиядан сайланган халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари, кенгашлар аъзолари ва ЎзМТДП фаоллари сўзга чиқиб, Президентимиз маърузасида партиялар ва депутатлар фаолияти билан боғлиқ бир қатор йўналишлардаги вазифалар ижросига қаратилган амалий таклифлар, партиянинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеи ва позициясини мустаҳкамлаш ва сайловолди Платформасидан ўрин олган ғоя ва мақсадларни амалга ошириш ҳақида фикр юритдилар.*

## Чуқур таҳлил ва амалий ишлар

### АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ БЎЛИШИ ЗАРУРЛИГИ ЎзМТДП ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИДА АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ




**Тоҳир УСМОНОВ, ЎзМТДП Бухоро вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:**

- Мамлакатимизда сиёсий ислоҳотлар ва демократик жараёнлар янги поғонага кўтарилди. Айниқса, бўлиб ўтган сайловлар буни яққол кўрсатди. Шу ҳақда гапирар экан, Президентимиз бу сайловлар «бугунги кунда ҳаётимизни демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ўзгаришлар жараёнини, ҳақиқатан ҳам, ҳеч қандай куч орқага қайтара олмаслигининг амалий ифодаси бўлганини» алоҳида таъкидлаб ўтди.

Биз юртимизда кечаётган чуқур ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнида фаол иштирок этишимиз учун барча ҳуқуқий асослар ва имкониятлар яратилган. Олдимизда турган энг муҳим вазифа – бу сайловолди Платформамизда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, бунда партиямиз ижтимоий қатлами манфаатларини ҳамда партия ғояларини дадил ҳимоя қилишдан иборат. Айнан партиямиз электоратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни чуқур ўрганиб, уларни ҳал қилиш юзасидан ўз таклифларимизни илгари суришимиз лозим. Партиямиз амалий ишлари ва ўзига хос иш услуби билан бошқа партиялардан яққол ажралиб туриши зарур. Жамиятимизда кечаётган жараёнларга, воқеаларга нисбатан биз ўз дастурий мақсадларимиздан келиб чиқиб, аниқ позициямизга эга бўлишимиз керак. Бошқа партиялар билан бирор масала – муаммо юзасидан бўлаётган ўзаро баҳс-мунозара эса, аввало ҳалол ва амалий негизда ҳамда жиддий, профессионал даражада олиб борилиши зарурлиги хусусидаги давлатимиз раҳбари фикрларини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Чунки, фақат шу йўсиндаги ўзаро баҳсда ҳақиқат ойдинлашади ва бундан жамият ютади.

**Абдурашид ТЎХТАБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

- Олдимизда турган энг муҳим вазифалардан яна бири партиямиз Дастурида белгиланган мақсад ва ғояларни, зиммамизга олган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишдан иборат. Платформамизда бир қатор янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш белгиланган. Бу борада барча партия ташкилотлари билан бир қаторда партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз аъзолари алоҳида фаоллик ва ташаббус кўрсатишлари керак. Эндиги фаолиятимизда депутатларимиз фракция, тегишли қўмиталар ва палатанинг ялпи мажлисларида Президентимиз таъкидлаганларидек партия ғоя ва дастурларини рўёбга чиқариш учун кураш олиб боришлари талаб этилади.

Аввало, барча масалалар юзасидан фракцияда қабул қилинган нуқтаи-назардан чекинмаслик, баҳс-мунозара энг аввало халқимиз ва юртимиз манфаатларига қаратилган қонунларнинг сифатини оширишга хизмат қилиши зарур.

Шунингдек, партиямиз фракцияси фаолиятини давлатимиз раҳбари маърузасида белгиланган вазифалар ва танқидий фикрлар асосида тубдан кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда ҳар бир депутат ўз фаолияти давомида партиянинг дастурий мақсад ва ғояларини амалга оширишни ўзининг етакчи вазифаси деб билиши, партиявий топшириқларни сидқидилдан бажариши, энг муҳими партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва тегишли ҳудудий партия ташкилотлари билан мустаҳкам алоқада бўлиши жуда зарурдир. Пленумлар ишида ушбу масалаларга эътибор қаратилгани айни муддао бўлди.

**Ойниса ОЧИЛОВА, ЎзМТДП Қашқадарё вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:**

- Президентимиз маърузаларида сиёсий партиялар ўз электорати билан иш олиб боришда замонавий усуллардан, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиши зарурлиги алоҳида тилга олиб ўтилди. Дарвоқе, биз ЎзМТДП таркибидаги баъзи ҳудудий ташкилотларни ҳам бу камчиликлардан холи деб айта олмаймиз. Чунки уларнинг фақатгина иш режага киритилган вазифаларни бажариши ёки номигагина тадбирлар ўтказиш билан чегараланиши партия электорати манфаатларини тўлиқ қамраб олмайди. Ҳар бир амалий ишга партия электорати манфаатлари нуқтаи-назаридан ёндашиш ўртага ташланган ва ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга мутасадди ташкилотлар эътиборини қаратишни кучайтириш лозим. Шундагина бу ишларнинг аниқ амалий натижаси кўзга ташланади. Яна шунингдек, олиб борилаётган тадбирларда интерфаол, эркин мулоқот усулларидан фойдаланиш ҳам электоратни қизиқтираётган ва айни дамда ўйлантираётган муаммоларини ўрганиш имкониятини юзага келтиради.

**Алишер БОЛБЕКОВ, халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгаши депутати:**

- Ўтган вақт ичидаги парламент фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, қонун ижодкорлиги борасида самарали ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз. Бироқ қабул қилинган барча қонунлар ижроси жойларда тўлалигича таъминланиб, давлат ва халқимиз манфаатларига хизмат қиляпти, деб айта олмаймиз. Бунинг асосий сабаби эса Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгаш депутатлари орасида узвий ҳамкорликнинг етарлича йўлга қўйилмаганлигида кўринади. Шунинг учун, энг аввало, бу борадаги фаолиятимизни жонлантиришга эътибор қаратмоғимиз даркор. Чунки халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатларининг фаолияти доимий сайловчилар орасида кечади. Бу эса ўз электоратимизни ўйлантираётган муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишда муҳим рол ўйнайди. Демак, маҳаллий кенгаш депутатлари ўз ҳудудларидаги муаммоларни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, уларнинг қонуний ечими юзасидан партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда иш олиб борса аминманки, яратилаётган қонунларимизнинг сифати янада ошади. Президентимиз маърузасида таъкидланганидек партиямиздан сайланган барча даражадаги депутатларимиз ушбу қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш бўйича ҳам зиммасидаги масъулиятни тўлиқ англаб ета олмаяпти. Ўйлайманки, олдимизга қўйилган ушбу вазифаларни фаолиятимизда тўлалигича акс эттиришимиз, нафақат бизга билдирилган ишончни оқлаш, балки партиямиз нуфузининг ортишига ва Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимиз ҳаётининг янада фаровон бўлишига хизмат қилади.

**Ғайрат ҚОДИРОВ, ЎзМТДП Жиззах вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:**

- Мамлакатимиз раҳбари маърузада сиёсий партияларнинг бугунги фаолиятига баҳо берар экан, умумий гаплардан амалий фаолиятга ўтиш, чуқур ўйланган, шу жумладан, муқобил лойиҳалар ва ҳар қайси партия ёки ҳаракатнинг аниқ мақсадли вазифаларини ўзида мужассам этадиган дастурларни тақдим этган ҳолда, фаол иш олиб бориш даври келганлигини таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, ўтган даврдаги фаолиятимизга назар соладиган бўлсак, асосий камчилик амалга оширган ишларимиз ва эришган ютуқларимизни эътироф этиш билан кўпроқ чекланганлигимизда намоён бўлади. Аслида эса бу ютуқларнинг барчаси ўзимизники эканлигини инобатга олиб, амалий ишларимизга танқидий ёндашган ҳолда асосий эътиборни мавжуд камчиликларни бартараф этиш йўлларини излаб топишга қаратишимиз кераклиги бўлиб ўтган сайлов натижаларида аён бўлди. Бу борада, энг аввало, ишни партиямизни ҳаракатга келтирувчи куч — қуйи бўғин ҳисобланмиш туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштиришдан бошлашимиз лозим. Сабаби ЎзМТДП Дастур ва ғояларининг халқ орасига чуқур кириб бориши ушбу ташкилотларимизнинг самарали фаолият юритишига боғлиқ. Лозим бўлганда кадрлар борасидаги, яъни муносиб етакчиларни танлашда зарур чораларни кўриш даркор. Туман ташкилоти ва БПТ раҳбари партия фаолияти, унинг устувор мақсадлари бўйича етарли билим ва кўникмага эга бўлиши сафимизда салоҳиятли аъзоларнинг кўпайишига хизмат қилади.

**Бобомурод РАҲМОНОВ, халқ депутатлари Музработ туман кенгаши депутати:**

- Маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар маълум ҳудуднинг ўзида, аҳоли орасида улар билан ёнма-ён фаолият олиб боради. Айнан шу нуқтаи-назардан ўз вазифамизга ёндашадиган бўлсак, фаолиятимизга нисбатан Президентимиз маърузаларида билдирилган танқидий фикрлар нақадар аҳамиятли ва нечоғли муҳим эканлигини англаймиз. Тан олиш керак, ҳали тажрибамизда маърузада қайд этилганидек, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этишда партиялар, хусусан маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг таъсири сезилмаяпти. Бу эса депутатлик гуруҳлари томонидан жойларда учраётган айрим муаммолар ва уларни бартараф этишга доир дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда сусткашликка йўл қўйилишига олиб келмоқда. Келгуси беш йиллик фаолиятимизга партиямиз дастурий ғоя ва мақсадлари, сайловолди Платформасидан келиб чиқиб ёндашган ҳолда, ушбу масалалар ижросига эришиш депутатлик гуруҳимиз олдига қатъий вазифа қилиб белгиланди.

✦ БАҲС

## Депутатлик назоратини ўрнатиш

### ЖОЙЛАРДА БУ БОРАДАГИ ИШЛАР ҚОНИҚАРЛИМИ? ДАВРА СУҲБАТИДА УШБУ МАСАЛА МУҲОКАМА МАРКАЗИДА БЎЛДИ

***Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Самарқанд вилоят ва шаҳар кенгашлари Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти жамоаси билан ҳамкорликда Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш – устувор мақсадимиздир» номли маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан давра суҳбати ўтказди.***

Унда партиядан сайланган маҳаллий кенгаш депутатлари, ЎзМТДП вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари аъзолари ва фаоллари иштирок этди. Баҳсни ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Лутфулла Мамасолиев бошлаб берди.

- Юртбошимизнинг бугунги баҳс-мунозара, фикр-мулоҳаза юритишимизга асос бўладиган маърузасида «Парламент ва маҳаллий вакиллик органлари – кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа – бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир» деб таъкидланди. Бундан келиб чиқадиган вазифалар кўлами депутатлардан янада ташаббускорлик, фаоллик кўрсатишни талаб қилади. Бугунги депутат кечаги депутатдан ҳам билими, ҳам маънавияти, ҳам тажрибаси билан фарқ қилиши лозим. У халқ билан ҳокимият ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатувчи воситачи, аниқроғи сайловчилар манфаатларига хизмат қиладиган муҳим масалаларни сессиялар кун тартибига киритиб, ижросида ҳам ўзи ташаббускор бўлиши лозим.

*Туроб Раҳмонов, ЎзМТДП Ургут туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:*

- Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ҳаётий, дастурилламал маърузасида фаолиятимизга билвосита ва бевосита дахлдор фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлади. Эндиги асосий вазифамиз шу асосда амалий фаолиятимизни янада кучайтиришдан иборат. Бугунги учрашувдан беҳад мамнунман. Чунки, мозий билан сўзлашаётган қадимшуносларимиз халқимиз ўтмиши, кечмиши, Ватанимиз тарихи ҳақида катта-кичик янги кашфиётларни амалга ошираяпти. Биз умргузаронлик қилаётган Тегинабегим қишлоғи Амир Темур онасининг номи билан боғлиқ. Бу ҳақда ривоят ва ҳақиқатларни биргаликда ўргансак, халққа етказсак мақсадга мувофиқ бўларди. Тарихчилар билан фаолиятимизда муштараклик, ҳамоҳанглик бор. Партиямиз бош мақсади халқимизнинг буюк анъаналари, қадриятлари, урф-одатлари ва тарихини чуқур ўрганиш, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот қилишдир.

*Абдулҳамид Анарбоев, Археология институти илмий ходими, тарих фанлари номзоди:*

- Президентимизнинг ёрқин, ислоҳотларни тўғри амалга оширишимизга бевосита дахлдор маърузасини ойнаи жаҳонда эшитдим ва газетада такрор-такрор ўқидим. Бундан бир ярим минг йил олдин ҳам ҳукмдорлар кенгашлар орқали иш юритган. Қонунлар назорати амалга оширилган. Масалан қиш фасллари том устидаги ва йўллардаги қор кечгача куралиб тозаланган. Маҳалла обод ва тоза ҳолда сақланган. Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш фуқароларнинг асосий вазифаларидан бири бўлган. Нега бугун биз бу каби юмушларни биров бажариб беришини кутиб ўтирибмиз?! Бу борада депутатларимиз олдинги сафда бўлиши лозим. Балки ўз-ўзимизни назорат қилишимиз ҳам асосий бурчимиз бўлиши керак.

Баҳс-мунозара ўзаро фикр-мулоҳазаларга бой бўлди. Унда Археология институти илмий котиби, тарих фанлари номзоди Абдусобир Раимқулов, ЎзМТДП Самарқанд туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Наим Раҳимов ва бошқалар ҳам депутатлик назоратини олиб бориш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Лутфулла РУСТАМОВ,**
**ЎзМТДП фаоли**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ТАДБИР

***8 март – Хотин-қизлар байрами муносабати билан Андижон вилоят ҳокимлиги ва ЎзМТДП Булоқбоши туман кенгаши ҳамкорлигида туман иқтисодиёт ва енгил саноат касб-ҳунар коллежида байрам тадбири ўтказилди.***

**К.АБДУВАЛИЕВА,**
**ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши матбуот котиби**



## Баркамол авлод тарбияси

### ТАДБИР МАЗМУНИДА АКС ЭТДИ

Унда коллежнинг энг истеъдодли қирқ нафар ўқувчи-қизлари иштирок этиб, ўзларининг иқтидор ва маҳоратларини намойиш этдилар. Тадбирни ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Исақов кириш сўзи билан очиб, хотин-қизларни айём билан қутлади ва қуйидагиларни гапириб ўтди:

- Муҳтарам Президентимиз томонидан эълон қилинган 2010 - «Баркамол авлод йили» бизга янада юксак масъулият юклаш билан бирга, кенг имкониятлар эшигини очди. Йил дастури ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган мазкур тадбир ёшларни ҳар томонлама етук, баркамол ва билимдон қилиб вояга етказишга қаратилган бўлиб, унда иштирокчиларга ўз иқтидорларини кўрсатиш, ташаббусларини рўёбга чиқаришда кўмак беради. Ушбу танловнинг ўзига хослиги турли йўналишдаги саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтиб маррага етиб келган қизларнинг иштироки биландир.

Тадбирда сўз олган коллеж директори Даврон Тўланов ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда коллеж, партия ва ота-оналар ҳамкорлигининг муҳим аҳамияти ҳақида фикр юритди.

Шундан сўнг, спортнинг каратэ тури бўйича коллежнинг биринчи босқичида таҳсил олаётган спортчи қизлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Тадбир давомида иштирокчилар «Қизлар бўлажак уй бекалари», «Миллий анъаналар», «Бугунги тўйлардаги ҳашамлар ва дабдабабозликнинг оқибатлари», «Турмуш қуришда тиббий кўрикнинг аҳамияти» мавзуларида чиқиш қилдилар. Уларнинг интеллектуал билимларини синаш мақсадида саволлар ҳам тақдим этилди. Яна бир шартга кўра талаба-қизлар баҳорий таомлар тайёрладилар. Танловда иштирок этган туман соғликни сақлаш бўлими ходимлари таомларнинг нафақат мазали таъми, балки доривορлиги ҳақида фикрларини билдирдилар ва ана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда безатилган дастурхонларни баҳолаб бердилар.

Хушовоз хонанда Ҳасанбой Ниёзовнинг «Белбоғли кураш», «Нолима» каби тароналари эса йиғилганларга янада хушкайфият бағишлади. Тадбир ниҳоясида ғолиблар ва фаол иштирок этган қизлар ЎзМТДП туман кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ БИР ҲАФТА ИЧИДА

## Тадбирлар моҳияти

### ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА ҚАРАТИЛМОҚДА

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ЎзМТДП Самарқанд шаҳар кенгаши ва Самарқанд Давлат чет тиллари институти ҳамкорлигида "Юксак эҳтиром ва эъзоз" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда партия вилоят ва туман кенгашлари аъзолари, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамда институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этдилар. Мазкур тадбирда миллатимиз ғурури, шону-шарафини дунёга танитган ўлмас сўз санъаткори, миллий адабиётимизнинг тенгсиз номояндаси Алишер Навоий сиймоси ҳақида сўз борди. Уни институт маънавият-маърифат маркази раҳбари Э.Мусурмонов очиб, Навоий асарларида ифодаланган ўзликни англаш, комилликка интилиш, ахлоқий гўзаллик, шунингдек миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик каби умумбашарий фазилатлар хусусида батафсил тўхталди.

Шунингдек тадбирда сўзга чиққан институт профессори И. Сувонқулов, доцент А.Туробов, ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Л.Мамасолиев халқимиз маънавияти ва тафаккурини юксалтириш, баркамол авлод тарбиясида бобомиз меросининг тутган ўрни ва аҳамияти хусусида гапирдилар. Тадбирда "Навоий асарлари билимдони" ва "Ҳар тенгдошга бир ғазал" танловлари савол-жавоб тарзида ўтказилиб, унинг давомида институт талабалари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари, куй-қўшиқлар ҳам ижро этилди.

* * *

"Баркамол авлод-бизнинг келажагимиз" мавзусидаги тадбир ЎзМТДП Хўжайли туман кенгаши томонидан тумандаги 57-умумтаълим мактабида ўтказилди. Унда партия фаоллари, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" аъзолари ҳамда мактаб жамоаси иштирок этдилар.

Тадбирни партия туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Нурмуҳаммед Сапаев очди ва олиб борди. Шундан сўнг сўзга чиққан туман кенгаши "Аёллар қаноти" раҳбари З.Ерниязова мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш йўлида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, ЎзМТДП томонидан ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, улар онгу шуурига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларни замонавий билим, тафаккур ва мутахассисликларга йўналтириш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида гапирди. Шунингдек, жорий "Баркамол авлод йили"да партиянинг мазкур йўналишдаги ишлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишини таъкидлаб ўтди.

— Ўқувчилар ўртасида ўтказилаётган турли спорт мусобақалари, фан олимпиадалари, кўрик-танловлар уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш билан биргаликда келажакка бўлган юксак ишончини ҳам ўстиради,- деди тадбирда сўзга чиққан 5-умумий таълим мактаби директори Г.Жолдасова. - Бунинг ёрқин исботини мактабимиз ўқувчилари қўлга киритаётган ютуқлар мисолида ҳам кўрамиз.

Тадбирда таълим соҳасида амалга оширилаётган катта ўзгаришлар хусусида ҳам фикр юритилди.

* * *

ЎзМТДП Вобкент туман кенгаши томонидан тумандаги 42- умумтаълим мактабида ўтказилган "Ёшлар бизнинг келажагимиз" мавзусидаги тадбирда тобора такомиллаштирилиб борилаётган таълим-тарбия тизими, ёшларни жисмонан етук ва ақлан баркамол инсонлар этиб вояга етказиш борасида қилинаётган ишлар хусусида сўз борди. Унда иштирок этган партия туман кенгаши аъзолари, туман "Камолот" ЁИҲ, халқ таълими бўлими ходимлари мактабдаги ана шу мақсадларга қаратилган фаолият билан танишдилар.

— Партиямиз асосий электоратини зиёлилар ташкил этар экан, улар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларни қизиқтираётган ва ўйлантираётган муаммоларини ўрганиш партияга бўлган ишончини тобора мустаҳкамлайди,- дейди тадбир аҳамияти ҳақида фикр юритган ЎзМТДП туман кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари У. Иргашев. — Шуниси қувонарлики, мактаб жамоасининг аксарият қисми партиямиз аъзолари. Бугунги мулоқот давомида партиямиз олдида турган бир қатор вазифалар ойдинлашди.

Шу куни мактабда туман миқёсида она тили ва адабиёт ҳамда информатика фанларидан семинар ҳам ўтказилиб, унда 55 нафар педагог ўз ишланмалари билан иштирок этдилар ва фаол қатнашчилар ЎзМТДП туман кенгаши фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши ва вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмаси, шунингдек, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши, вилоят монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳамда табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамкорлигида вилоятдаги барча касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида "Энг иқтидорли ёш истеъмолчи" мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, истеъмолчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўстиришга қаратилган мазкур тадбирда туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 12 нафар ўқувчи 3 шарт бўйича беллашдилар.

Кўрик-танлов якунига кўра Гулистон шаҳар 1-Педагогика коллежи талабаси Ирода Туронова ғолибликни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Мирзаобод Ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи талабалари Ҳусан Давкаров ва Зафар Шералиевга насиб этди. Шунингдек, танловда "Энг яхши иштирокчи" номинацияси бўйича Боёвут қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи талабаси Элбек Оқбўтаев тақдирланди.

* * *

2010 йил - "Баркамол авлод йили" муносабати билан ЎзМТДП ҳамда "Камолот" ЁИҲ Ургут туман кенгашлари ҳамкорлигида "Озод юртга муносиб ёшлар бўламиз" шиори остида бўлиб ўтган "Қувноқлар ва зукколар"беллашувида туман Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг "Саъва", туман Ижтимоий-иқтисодиёт коллежининг "Овсинлар" ҳамда СамДУ қошидаги академик лицейнинг "Академик болалар" жамоалари ўзаро беллашдилар.

Тадбирни ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Туроб Раҳмонов кириш сўзи билан очиб, партиянинг ёшлар сиёсати борасида олиб бораётган ишлари хусусида батафсил маълумот берди.

Дастлабки "Таништирув" шартида жамоалар ўзлари ва таълим олаётган масканларини мусиқа ва ҳазил-мутойиба тарзида таништирдилар. "Қўшиқ қилиб айтаман" шартига кўра ёшлар ҳаётига доир қизиқарли воқеалар қўшиқ тарзида айтилди. Айниқса, беллашувнинг "Талабалар ҳазили" шартида эса уларнинг талабалик давридаги турли воқеалар кулгу тариқасида ифода этилиши мароқли бўлди. Танловнинг сўнгги савол-жавоб шартига мувофиқ жамоалар Президентимиз асарлари, миллий истиқлол ғояси, ЎзМТДП ва "Камолот" ЁИҲ Дастури ва Низоми бўйича билимлари ва интеллектуал салоҳиятларини синовдан ўтказдилар.

Қизғин баҳс ва мунозараларга бой бўлган беллашувда "Академик болалар" жамоаси биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг вилоят босқичига йўлланма олишди. "Саъва" жамоаси иккинчи, "Овсинлар" жамоаси эса учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Уларга партия туман кенгашининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

* * *

Худди шу йўналишдаги яна бир тадбир ЎзМТДП Наманган туман кенгаши томонидан туман ҳокимлиги, республика маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ЁИҲ, ИИБ туман бўлимлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари бошқармаси билан ҳамкорликда бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда барча ҳудудий босқичларда иштирок этиб ғолибликни қўлга киритган Тошбулоқ саноат касб-ҳунар коллежининг "Вой дод", Тошбулоқ педагогика коллежининг "Ажаб бўпти" ҳамда Наманган қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг "Гап йўқ" жамоалари иштирок этдилар ва улар "Қувноқ ёшлар ташрифи", "Савол сиздан – жавоб биздан", "Маънавий саломатлик-талабалар шиори" ҳамда "Сардорлар баҳси" шартлари бўйича ўзаро беллашдилар.

— Иқтидорли ёшларни аниқлаб, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, яратувчанлик ғояларини ҳаётга татбиқ этиш масалалари партиямиз Дастурида илгари сурилган бўлиб, уларни амалга ошириш зиммамиздаги масъулиятли вазифалардан биридир,- дейди биз билан суҳбатда ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Қ.Рафиқов. — Шу боисдан туман кенгашимиз томонидан бунга алоҳида эътибор қаратилиб, партиямизнинг ёшлар сиёсати борасидаги ғоя ва мақсадлари билан таништиришга ва сафимизни ёшлар билан кенгайтиришга ҳаракат қиляпмиз.

Баҳс-мунозаралар, қизиқарли таассуротларга бой ўтган беллашув якунига кўра "Ажаб бўпти" жамоаси ғолибликка эришган бўлса, "Гап йўқ", "Вой дод" жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритишди. Танлов якунида туман ҳокими Ж.Юлдашев сўз олиб, иштирокчиларни муносиб тақдирлади.

ЭҲТИРОМ

## Ўлмас сўз санъаткори

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Ҳазрат Навоий тириклик чоғидаёқ «ғазал мулкининг султони» деган юксак эътирофга сазовор бўлган улуғ шахсдир. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қоровулбозор туман кенгаши тумандаги маданият саройида улуғ бобокалонимизнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб «Жавоҳир ёғдуси» номли бадиийлаштирилган кеча ташкил этди. Унда «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши аъзолари, 8-сонли академик лицей ҳамда туман болалар мусиқа ва санъат ҳамда бошқа бир қатор умумтаълим мактаблари ўқитувчилари иштирок этдилар.

Тадбирни ЎзМТДПдан сайланган туман кенгаши депутати М.Саидаҳмедова очаркан, иштирокчилар эътиборини Навоий асарлари инсонни камолотга етаклаши, жамият ва халқ манфаати учун эзгу ишлар қилишга ундашига қаратди. Бундан ташқари маданият саройи директори С.Тошева ва «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши раиси М.Неъматов сўзга чиқиб, буюк шоир ижоди ва ҳаёти ҳақида гапирдилар.

Шундан сўнг саҳнада ўқувчилар томонидан Навоий ғазаллари ўқилди, саҳна кўринишлари намойиш қилинди ва мумтоз қўшиқлар ижро этилди. Навоий саховатпешаликда ҳам донг таратган. У кишининг «Инсоният боғининг энг гўзал дарахти эҳсондур» ва «Одамийлик хазинасининг энг бебаҳо гавҳари ҳам эҳсондур» деган сўзлари айни кунда ҳам сизу биз учун дастуриламалдир.

ФАОЛИЯТ

***Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғибот қилиш, аҳоли ўртасида юксак тиббий маданиятни ривожлантиришга кўмаклашиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий муҳофаза қилишга қаратилган амалдаги қонунларни такомиллаштириш каби вазифалар ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган бўлиб, уларнинг пировард мақсади мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш, уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришдир.***

## Электорат манфаатларини таъминлаш

### АМАЛИЙ ИШЛАРДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА

**Д.ҲАЙИТОВА,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

ЎзМТДПнинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеи ортиши ҳамда жамоатчиликнинг ишончи ва эътиборини қозонишига олиб келувчи омил айнан партия ташкилотларининг ушбу мақсадлар йўлида қўйган амалий қадами, аниқ ташаббус ва саъй-ҳаракатидир. Дастурий вазифаларга ушбу талаблар нуқтаи-назаридан чуқур ёндашиш эса партия ғояларини янада кенгроқ тарғиб-ташвиқ қилиш, фуқароларнинг сиёсий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг талаб ва истаги, ўйлантираётган масалаларини ўрганишга имкон яратади. Бугун ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши, унинг таркибига кирувчи ҳудудий партия ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар маъно-мазмуни ҳамда моҳияти билан юқоридаги вазифаларнинг амалдаги ижросига эришишга қаратилмоқда. Бу фаолият, хусусан, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оиланинг ижтимоий мавқеини юксалтириш, соғлом авлодни тарбиялаш, ёш қизларни баркамол оналикка тайёрлаш, аёлларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш, тарғибот ишлари, давра суҳбатлари, тадбирлар мисолида намоён бўлади.

Жумладан, яқинда ЎзМТДП Пахтакор туман кенгаши томонидан туман тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Соғлом она -баркамол, ўктам авлод асоси» мавзуидаги тадбирда партия Дастурида белгиланган мазкур йўналишдаги ғоя ва мақсадлар хотин-қизларга кенг тушунтирилиб, бу борада қилинаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

ЎзМТДП Жиззах шаҳар, Зафаробод туман кенгашлари томонидан «Жамият ривожида хотин-қизларнинг ўрни ва роли» мавзусида талабалар ва жамоатчилик вакиллари, олима ва депутат аёллар иштирокида ўтказилган тадбир эса хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий билимларини ошириш, маънавий салоҳиятини юксалтиришни мақсад қилгани билан аҳамиятлидир. Унда иштирок этган партия фаоллари ва етакчилари партия томонидан ишлаб чиқилган хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг оила ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига қаратилган қатор лойиҳалар ҳақида йиғилганларга батафсил маълумотлар беришди.

**- Бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга доир ислоҳотлар жараёнига аёлларни кенг жалб этиш асосий мақсадимиздир,** - дейди тадбир хусусида ўз фикрини билдирган ЎзМТДП Жиззах шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ҳабиба Қурбонбоева. **- Бундай мулоқотлар орқали уларнинг талаб ва эҳтиёжларини чуқур ўрганиш имконияти юзага келади. Шундан келиб чиққан ҳолда хотин-қизлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишига эришиш сафимизда аёлларнинг салмоғи ошишига олиб келади.**

**- Оила – жамият таянчи. Ҳар бир инсоннинг онгида шаклланадиган барча инсоний фазилатлар, эзгу ният ва қадриятлар такомил топадиган макон ҳам айнан шу гўша ҳисобланади,**- дейди биз билан суҳбатда ЎзМТДП Жиззах туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ўрол Сатторов. **- Баркамол инсонни, яъни оила, жамият ва халқ учун фидойи шахсни тарбиялаш ҳам оиладан бошланади. Партия дастурий мақсадларидан келиб чиқадиган вазифалар биздан бу йўналишда ҳам фаол саъй-ҳаракатларни талаб этади.**

Вилоят кенгашининг ана шу мақсад йўлидаги амалий ишларини «Аёллар қаноти», «Ёшлар қаноти» аъзолари, тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари иштирокида ўтказилган «Энг намунали оила», «Энг намунали кўча» шиори остидаги тадбирлар мисолида кўришимиз мумкин. Унда оилада тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, комил фарзандларни тарбиялаш, хусусан, оила муқаддаслигини ёшлар онгига сингдириб бориш масалалари муҳокама этилгани диққатга сазовордир.

- Партия ташкилотларимиз ўз фаолиятида қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликни мустаҳкам йўлга қўйиш орқали аҳолининг барча қатламлари орасига чуқур кириб боришга эришмоқда, - дейди ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Абдураҳим Султонов. – Чунки маҳалланинг жойлардаги муайян ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ролини кучайтириш, уларда миллий қадрият ва анъаналаримизнинг янада такомиллашувига эришиш дастурий мақсадларимиздан бири ҳисобланади. Бу борада ЎзМТДП Янгиобод, Дўстлик туманларида муайян тажриба тўпланган. Кам таъминланган ва муҳтожларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш, хайрия, ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиш тизимини ривожлантириш ҳам келгусидаги асосий вазифаларимиздан биридир.

**- Халқимиздаги азалий «устоз-шогирд» анъанасини кенг тарғиб-ташвиқ этиш ва унинг замон талаблари асосида ривожланишига эришиш борасида қилинаётган ишларимиз ижтимоий қатламимиз манфаатларига хизмат қилмоқда,** - дейди биз билан суҳбатда ЎзМТДП Дўстлик туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Нигора Элмурзаева. **- Шу боисдан, бу масалага кенгашимиз томонидан жиддий эътибор қаратилиб, ҳунармандчиликнинг кенг оммага таниш бўлган турларини ривожлантириш орқали ҳам миллий анъаналаримизни асраб қолишга эришиляпти, оилаларнинг моддий фаровонлиги таъминланяпти.**

Демак, бу борада партия вилоят кенгаши томонидан амалга оширилаётган эзгу ишлар партиямиз электоратини ва ижтимоий қатламини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

**ПАРЛАМЕНТ**

## Юксак масъулият

### ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ БЎЛСИН

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Албатта, бу каби улкан ютуқлар замирида миллий парламентнинг тутган ўрни, аҳамияти ва салоҳияти бор. Чунки мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларини изчил ислоҳ этиш, жамиятимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг тегишли ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг жорий йил январида Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлиси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузалари парламент янги таркиби олдига муҳим вазифаларни белгилаб берди. Юртбошимиз маърузада икки палатали парламентимизнинг дастлабки фаолиятига тўхталар экан, асосий эътиборини олдинда турган вазифалар, ечимини кутаётган масалалар, қонунчилик тизимини бундан-да мустаҳкамлаш учун қилиниши лозим бўлган муҳим йўналишларга қаратди. Унда жумладан, қабул қилинаётган қонунлар сифатини тубдан яхшилаш кераклигига алоҳида урғу берилиб, қонунлар яратишда мақсадли режалар белгилаб олиш, уларнинг ҳаётийлигини таъминлаш, парламент сўровини кучайтириш ва ҳар икки палата ўртасида ягона мақсад йўлидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларида олдимизга бир қатор янги вазифалар қўйилди. Айтиб ўтиш жоизки, уларни амалга оширишга қаратилган ишлар кўламини кенгайтириш парламентнинг ҳар бир аъзосидан юксак ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги йўлида мунтазам изланишлар олиб бориш ва қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини оширишни талаб этади. Айна пайтда Олий Мажлис Сенатида ўтган чақириқ парламент фаолиятида қонунчиликда белгиланган ваколатларни тўла рўёбга чиқаришда йўл қўйилган қатор камчиликлардан тегишли хулосалар чиқарилган ҳолда истиқболдаги фаолият учун зурур, устувор мақсад ва вазифалар белгилаб олинди.

Маърузада таъкидлаб ўтилганидек, "Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари – Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа бу – қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир".

Маълумки, қонунларнинг қўлланиш амалиётини ўрганиш, парламент назоратининг турли шаклларидан фойдаланиш қонун чиқарувчи орган фаолиятининг аниқ мақсадларга эга бўлган ва ғоят муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Парламент назоратининг амалий қиймати шундаки, у қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиш даражасини ўрганиш, уларнинг қўлланишига салбий таъсир кўрсатувчи турли омилларни аниқлаш, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг қонун ҳужжатларига амал қилиш масъулиятини оширишни кучайтиради.

Маълумки, Сенат вакиллик органи бўлиб, унинг кўпчилик аъзолари халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг депутатлари сифатида маҳаллий кенгашларнинг ваколатли вакиллари бўлиб, ҳудудлар манфаатларини ҳимоя қилади ва ҳар бир қонунни қабул қилиш жараёнига ўзи вакил бўлган ҳудудлар манфатларидан келиб чиқиб ёндашади. Аминманки, қонунда белгиланган ушбу ваколатларимизни келгуси фаолиятимизда кенг қўллаш ва такомиллаштириш халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари фаолиятини кучайтиради, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича лойиҳа ва дастурларни тўла амалга ошишини таъминлайди.

**Акмал АКРОМОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси**

---

*Аёл зоти ўзининг нафосати ва латофати, муҳаббати ва садоқати, оналик меҳри билан том маънода Яратганнинг тенгсиз мўъжизасидир.*

**Ислом КАРИМОВ**

## Олам гўзал онам билан

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Уни тезроқ кўришга, дийдорига тўйишга ошиқади. Юриб эмас, югуриб боргиси келади. Лаблари шивирлашдан тўхтамайди. Яратгандан фарзандига соғлик, тинчлик-омонлик тилагани-тилаган. Шунинг учун ҳам онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада дейдилар. Бу – фарзанд ҳақида фақат она қайғуриши керак, боласи эса ўйнаб-кулиб юраверсин дегани эмас,албатта.

Соғинч, меҳр-оқибат ва қадр-киммат туйғуларига йўғрилган бу ҳикмат фарзанд ҳисобланмиш ҳар бир ўғил-қиз зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклайди. Бу – энг аввало, онаизордан тез-тез хабар олиб, ҳол-аҳвол сўраб туриш, ширин сўзлар билан кўнглини кўтариш, юмушларига ёрдам бериш, бир пиёла чой узатиб, ғуборларини олиш демакдир. Афсуски, бу биз фарзандларнинг бурчимиз эканлигини баъзан ўзимиз билан ўзимиз бўлиб, унутиб қўямиз. Ваҳоланки, биз онажонимизни у кишидан кўпроқ ўйлайшимиз ва кўпроқ ғамхўрлик кўрсатишимиз керак! Шундагина бизга омад ҳам кулиб боқади, ишларимиз юришаверади. Чунки хотиримиз жам, кўнглимиз тинч бўлади.

Онажонимнинг офтоб янглиғ чеҳраларига термулиб ўтириб хаёлимдан ўтган ана шу фикрларни янада чуқурроқ мушоҳада қилишга ҳаракат қилдим.

Кечагидек ёдимда. Онажоним мени эрталаб мактабга кузатаётиб, "соғ-саломат бориб кел, болам. Эҳтиёт бўл!" – дер эдилар. Ўқишдан қайтиб келганимдан сўнг, "яхши келдингми, болам?" деб сўрардилар. Меҳрибонимнинг бу гаплари ҳар куни такрорланар, уларнинг мағзида шарқона тарбия шарқона одоб муҳрланганлигини мана энди англаяпман. Аммо, ҳадисда баён этилгани "Аввало, онангга яхшилик қил, яна онангга, яна онангга яхшилик қил, сўнгра отангга яхшилик қилғил" деган сўзлар дилимнинг мангу қўшиғи, тилимнинг мангу қўшиғи.

* * *

Оқшом байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлдик. Телевизорда намойиш этилаётган дилрабо куй ва қўшиқлар кўнгилларни яйратиб, хонадонимиз файзига файз қўшиб турар, осмонда ой ва юлдузлар ярқираб боқар, заминда жилғалар суви шарқираб оқар, элас-элас эсаётган баҳорий еллар она табиат мўъжизаларининг муаттар исларини олиб келар, буларнинг ҳаммаси руҳиятимизни гўзаллик туйғуларига лиммо-лим тўлдириб турар эди.

Сухандон қиз табассум ила томошабинларни пойтахтдаги "Туркистон" саройида Хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказилган концертдан баҳра олишга таклиф этди.

Тантаналар аввалида Юртбошимизнинг мамлакатимиз хотин-қизларига йўллаган байрам табригини эшитиб, жонажон, диёримизда мунис онажонларимизга, лобар опа-сингилларимизу, дилбар қизларимизга кўрсатилаётган юксак ҳурмат ва эҳтиромдан, меҳрибонлигу ғамхўрликдан бениҳоя мамнун бўлиб, бу иззат-икром аёл зотига бўлган беқиёс муҳаббат ва садоқат рамзининг ёрқин ифодаси эканлигини яна бир бор юрак-юракдан ҳис этдик.

Биргина кейинги уч йил мобайнида мамлакатимиз умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари жаҳон миқёсида ўтказилган нуфузли фан олимпиадаларида ғолиб чиқиб, 41 та медалга эгалик қилганликлари, бу ютуқнинг 8 таси қизларимиз ҳиссасига тўғри келганлиги ёки санъат ва мусиқа йўналиши бўйича Париж, Рим, Берлин, Токио, Москва, Прага, Қоҳира, Сеул, Деҳли каби йирик маданият марказларида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловларда 273 нафар ўқувчи ва талабаларимиз ғолиблик шоҳсупасига кўтарилганликлари, уларнинг 153 таси қизлар эканлиги, шунингдек, бир минг 464 нафар спортчи ёшларимизнинг халқаро мусобақаларда зафар қучганлиги, ғолиблар сафида 448 та қизларимиз борлиги кимни қувонтирмайди?! Кимнинг қалбини фахр ва ифтихор туйғуларига тўлдирмайди?! Бу – онажонларимизнинг келажаги буюк бўлган Ўзбекистонимиз кучига куч қўшаётганлиги, унинг дунёвий обрўйини оширишга муносиб хизмат қилаётганлиги ва албатта, баркамол авлод учун жон куйдираётганлигининг ёрқин намунаси эмасми?! Бу – қизларимизнинг момоларимизу, онажонларимиз изларидан бориб, XXI асрнинг ақлу-заковатда, илму ҳунарда тенги йўқ Тўмарислари, Бибихонимлари, Нодираларию, Увайсийлари, Зебунисоларию, Зулфияхонимларидек машҳури олам бўлишга интилаётганликларидан далолат эмасми?!

> *– Президентимизга минг раҳмат! – дедилар онажоним, - аёл зотини шунчалар юксакларга кўтариб, чин юракдан эҳтиром кўрсатаётганликлари учун раҳмат. Биз оналар, хонадонларимиз соҳибалари, қизларимиз у кишининг беқиёс мақтовларига муносиб бўлишимиз керак!...*

Бу – биз барпо этаётган демократик ҳуқуқий давлатда хотин-қизларнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт яратишдек эзгу мақсад йўлидаги фаоллиги тобора ошиб бораётганлигининг амалдаги исботи ҳамдир.

– Президентимизга минг раҳмат! – дедилар онажоним, - аёл зотини шунчалар юксакларга кўтариб, чин юракдан эҳтиром кўрсатаётганликлари учун раҳмат. Биз оналар, хонадонларимиз соҳибалари, қизларимиз у кишининг беқиёс мақтовларига муносиб бўлишимиз керак!...

Дарҳақиқат, "Аёл зоти ўзининг нафосати ва латофати, муҳаббати ва садоқати, оналик меҳри билан том маънода Яратганнинг тенгсиз мўъжизасидир" деган таърифга муносиб бўлиш осон эмас. Бу аждодлар меросини чуқур ўрганишни, асрлар бўйи бой ҳаётий тажриба тўплаган момоларимиздан ибрат олишни, таълим-тарбияни миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда истиқлол ғояларига садоқат руҳида олиб боришни, тинимсиз ўқиш, ўрганиш ва изланишни талаб этади.

**МУНОСАБАТ**

Зеро, оиланинг фариштаси, оиланинг сариштаси бўлган онажонларимиз, опа-сингилларимизу, қизларимиз бунга қодирдирлар.

Сир эмас, танасию, новдаларига боғбон қўли тегмаган, унинг меҳрини туймаган, парваришидан баҳраманд бўлмаган дарахт ҳеч шубҳасизки, аста-секин ёввойилашиб кетади. Меваси тахир бўлади.

Мен онани ҳам боғбонга ўхшатгим келади. Унинг панду-насиҳатларига, йўл-йўриқларига, ўгитларига амал қилмаган, "қайчи"сининг тарбиясини кўрмаган фарзанд ҳам бора-бора ўз билганидан қолмайдиган, қўрс, лоқайд бўлиб, инсоний хислат ва фазилатлардан йироқлаша бошлайди. Охир – оқибатда ёввойилашиб, ўзлигидан узоқлашиши мумкин. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, меҳрибон, куйинчак, бағри кенг, сахий ва айни пайтда талабчан "боғбон"нинг парвариши билан вояга етган фарзанд ўз онаизорини сира-сира ўкситмайди, сира-сира ранжитмайди, сира-сира норизо қилмайди. Ҳамиша қўлларини кўксига қўйиб, "лаббай онажон!" дейди. Бирон бир ишга қўл урар бўлса, аввало онажони билан маслаҳатлашади. Сафарга борар бўлса, она розилигини олиб, унинг дуоси билан йўлга чиқади. Бу оқил фарзанднинг онасига бўлган беқиёс ҳурматию муҳаббатидан далолатдир. Бундай инсон нафақат ўз рафиқасию қизларига, балки бошқаларга ҳам шундай эҳтиром кўрсатадиган бўлади.

Она ҳаёт муаллими ҳамдир. Онангдан олган тарбияни, онангдан олган сабоқни ҳеч кимдан ололмайсан. Бас, шундай экан, онажонингни қадр-қимматини ҳамиша азиз бил! Бу мўътабар номни доимо улуғла, ҳамма нарсадан юқори тут!

Унутма, оналар дуоси билан ёмонлар яхши бўлғай. Бало-офатлар йироқ кетгай. Урушлар тўхтагай! Аразлар унутилгай. Олам ана шундай илоҳий қудрат соҳибаси бўлган она билан гўзалдир. Шунинг учун ҳам "Жаннат оналар оёғи остидадир" дейдилар. Бу гапларни доимо ёдда тутсанг, ҳеч қачон кам бўлмайсан! Онажонингдан бир умр қарздорлигингни, у буюк зотга кўрсатишинг керак бўлган иззат-икромнинг мингдан бирини ҳам қилолмаганингни билиб, ич-ичингдан хўрсиниб қўясан. Ўрнингдан сапчиб туриб, у улуғ зотнинг юз-кўзларидан ўпиб, "Одамлар, эшитмадим деманглар, олам онам билан гўзал!" дея бутун дунёга ҳайқиргинг келади.

**Нуриддин ОЧИЛОВ**

---

**СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...**

## Солиқ имтиёзлари

***Газетангизнинг аввалги сонларидан бирида «Сўраган эдингиз...» рукни остида жисмоний шахслардан даромад солиғи олишнинг тартиблари хусусида содда ва батафсил ёзилган жавоб берилганди. Мен аввало газетангизнинг бир муштарийси сифатида ана шундай, яъни савол-жавоб тарзидаги материалларни қўллаб-қувватлайман. Чунки, бундай материалларнинг фойдаси кўпчиликка тегади – билмаганингизни билиб оласиз. Саволга берилган ана шу жавобни ўқиб, менда ҳам бир савол пайдо бўлди. Агар малол келмаса жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ бўйича белгиланган имтиёзлар хусусида ҳам батафсилроқ маълумот берилса.***

**Аҳмад ТОШЕВ,**
**Сурхондарё вилояти**

Амалдаги қонунчилигимизда, айниқса жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқлар бўйича жуда кўп имтиёзлар белгиланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Агар кузатиб бораётган бўлсангиз мамлакатимизда умуман солиқ юкини камайтириш борасида босқичма-босқич жуда катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Масалан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг юқори даражаси 2000 йилда 40 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилдан бошлаб ушбу даража 22 фоиз қилиб белгиланди. Демак, 18 фоизга пасайди. Ўртача даражаси эса 2000 йилда 29 фоиз қилиб белгиланган бўлса, айни пайтда 17 фоизни ташкил этмоқда. Даромад солиғининг энг қуйи даражаси жорий йилдан бошлаб 12 фоиздан 11 фоизга туширилди.

Юқорида айтилганидек, жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқлар бўйича ҳам талай имтиёзлар белгиланган. Масалан, фавқулодда ҳолатлар муносабати билан бериладиган моддий ёрдамдан унинг миқдоридан қатъий назар даромад солиғи олинмайди. Агар ходимнинг оила аъзоларидан бири вафот этса, унга бериладиган моддий ёрдамнинг энг кам иш ҳақини йигирма бараваригача, бошқа ҳолларда энг кам иш ҳақининг ўн икки бараваригача бўлган миқдоридан даромад солиғи олинмайди. Иш берувчи томонидан ўз ходими ёки унинг болалари учун амбулатория ёки стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун тўланган суммалар ҳам солиқдан озод қилинади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаб бўлинганидан кейин хусусий корхона мулкдорлари ёки фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда, мамлакатимиз давлат мукофотлари ва эсдалик совғалари қиймати, олимпия ўйинлари ва бошқа халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаган спортчилар олган пул мукофотлари, жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асносида тегишли бўлган мол-мулк ҳамда уй ва деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни тирик ҳамда сўйган ҳолда, асаларичилик, деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олинган даромадлардан ҳам солиқ олинмайди. Шунингдек, энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваригача бўлган миқдордаги юридик шахслардан олинган қимматли совғалар, меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасидаги ишдан бўшатиш нафақаси, мамлакатимиз фуқароларини суғурта бўйича оладиган суммалари, давлат пенсиялари, мерос қилиб қолдириш ва ҳадя қилиш натижасида олинган сумма ҳамда мол-мулк қиймати, фуқаролар даромадларини давлат корхоналари мол-мулкини сотиб олиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олишга йўналтирилган маблағлар ҳам солиққа тортилмайди. Будан ташқари жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоиз даромадлари, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари, мол-мулкни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари учун йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлар, ёш оила аъзолари иш ҳақи ва бошқа солиқ солинадиган даромадларини ипотека кредитларини қоплаш учун йўналтирилган маблағлар, «Қишлоқ-қурилишбанк» АТ банкнинг кредитлари ҳисобига қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибда уй-жой қурувчи шахслар томонидан олинган ипотека кредитлари ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган маблағлар солиқдан озод қилинган. Шунингдек, мамлакатимиз олий ўқув юртларида ўзи ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларини таълим олиши учун йўналтириладиган маблағлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган ҳисоб-варақларига ихтиёрий йўналтириладиган маблағларидан ҳам солиқ олинмайди. Ва яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган хорижий давлатлар дипломатия ваколатлари мансабдор шахслари, оила аъзолари, ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг фуқаролиги бўлмаган мансабдор шахслари, мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирликлари, миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар ва божхона органларининг оддий хизматчилари, прокуратура органларида даража ва унвонларга эга бўлган ходимлар, гастрол-концерт фоалияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар ушбу фаолиятдан олган даромадлари бўйича олинадиган солиқдан тўлиқ озод қилинган.

Бундан ташқари «Ўзбекистон Қаҳрамони», «Меҳнат қаҳрамони», уччала даражадаги «Шуҳрат» ордени билан тақдирланган шахслар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, болаликдан ногирон бўлиб қолганлар, I ва II гуруҳ ногиронлари, ўн ва ундан ортиқ ўн олти ёшга тўлмаган болалари бор ва боқувчисини йўқотганлиги учун пенсия олмайдиган ёлғиз аёл ва эркаклар солиқ солишдан қисман озод қилинади.

**Мансур МУКСУМОВ,**
**Сергели туман ДСИ ЖШДОСТ**
**шўъба бошлиғи**

---

**ЖАРАЁН**

## Маҳалла — миллий кўзгу

***Халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий меросига таянган ҳолда фуқароларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, кўп асрлик анъаналар ва урф-одатларни сақлаб қолиш, шунингдек, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда жойларда жамоат тартибини сақлашда маҳалланинг ўрни ва роли беқиёсдир. Шу боис, ҳам Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси маҳаллалар билан яқин алоқа ўрнатиш, тарғибот-ташвиқот ва амалий ишларни ҳамкорликда ўтказишга интилмоқда.***

**Зебо НЕЪМАТЖОНОВА,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони масъул ходими**

Жумладан, 2009 йил давомида партия вилоят ташкилотлари томонидан маҳаллаларда ўтказилган «Бедор қалб наволари» танлови халқимиз орасида зўр қизиқиш билан кутиб олинди, десак муболаға бўлмайди. Унда ёши 50 дан ошган ва 103 ёшгача бўлган онахонларимиз қатнашиб, улар ижросида халқимизнинг тўю ҳашами, миллий байрамларида куйланадиган ўлан, лапар, айтишув, алла ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналари қайта жаранг топди, дейиш мумкин. Шунингдек, бу танловда уч авлод вакиллари учрашиб, кексалар ёшликларини ёд этиб, ўзларидаги маънавий меросни ёшларга улашган бўлсалар, ўрта авлод вакилларига қадриятларимизни қайта ҳаётга татбиқ этиш учун имконият яратилди. Энг қувонарлиси шундаки, ёшларимиз ўз аждодлари каби гўзал ва бетакрор миллий бойликларимизни сақлаб қолиш ва асраб-авайлаш масъулияти нечоғли муқаддас бурч эканлигини англаб етдилар. Танловнинг самараси ўлароқ ёшлар орасида миллий қадриятларимизни тадқиқ этиш, бу борада илмий изланишлар олиб боришга эътибор кучайди.

Маълумки, Давлатимиз раҳбари парламент палаталарининг қўшма йиғилишида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» дастурини амалга ошириш бўйича ишларни янада фаоллаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўяётганлигини қатъий таъкидлаб, бошқарув идоралари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳалланинг вазифаларини кенгайтириб боришга алоҳида урғу бердилар.

ЎзМТДП ўз дастурий ғоя ва мақсадларида маҳалла ва оилага жамиятда маънавий қадриятларнинг доимий таъминланишининг буюк манбаи сифатида қарайди. Катталарни ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат, болалар ҳақида қайғуриш каби анъаналар ҳамма вақт ўзбек оиласининг асосий принциплари бўлиб келган ва бугунги кунда бу қадриятларнинг янада такомил топиши, айниқса ёшларни глобаллашув жараёни таҳдидларидан асровчи омил бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда Юртбошимиз маърузасида белгиланган вазифалар ҳамда жамиятда тарбия топаётган шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш, **«Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари»** ғоясига асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳа яратиш партия йиллик иш режаси ҳамда сайловолди Платформасида белгиланганлиги ва уни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларни алоҳида таъкидлаш лозим. Кенг қамровли мазкур лойиҳа маҳалла, оила ва ҳар бир фуқаро онгу шуурида катта ижобий ўзгариш ясашга хизмат қилади. Партиямиз мазкур тадбирни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш орқали мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга юртдошларимизда дахлдорлик туйғусини уйғотишни ҳам кўзлаган.

Комил ишонч билан айтиш жоизки, бу каби амалий ишлар партия Дастурида белгиланган инсон омилини такомиллаштириш, миллий анъаналар ва жаҳон ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва амалда тўлиқ бажарилишига эришишга ҳам пухта замин ҳозирлайди. Мазкур тартибларга мутасадди ташкилотларни жалб этишга қаратилган эътибор эса ишнинг сифати ва самарасини янада оширади, дейиш мумкин.

Демак, бундан англашиладики, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш, бу борада учраётган муаммоларни ҳал этиш, маҳаллаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари партиямиз олдига бир қатор вазифаларни қўяди. Оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиси этиб муносиб номзодлар сайланишини таъминлайдиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини янада такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш зарурати эса партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларидан ҳамжиҳатлик, ташаббус, саъй-ҳаракат ва масъулият талаб этади.

# МАЪНАВИЯТ

✦ ҚАДРИЯТ

***Каштачилик – ҳунармандчиликнинг энг қадимий турларидан бўлиб, у халқнинг ўз турмушини гўзал қилиш истаги натижасида юзага келган. Кашта – кийимлар ва рўзғор буюмларини безашда қўлланилади.***

## Нурота чеварлари

### МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ДУНЁГА ТАНИТМОҚДА

**Камолиддин ҲОТАМОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**



Ўзбек халқ амалий санъатининг ажралмас қисми бўлган каштачилик асрлар давомида кишиларни ўзига ром этиб келмоқда. Қадимий анъаналарга кўра, ўзбек қизлари келинлик сепларини дастрўмол, белбоғ, парда, зардевор, сўзана, ёстиқ, гулкўрпа, чойшаб каби ҳар хил каштачилик буюмлари билан безаган. Тўйдан олдин сепни ёйиб кўргазма қилишган. Бу келиннинг чеварлигини, меҳнатсеварлигини намойиш этиши ва кашта қанчалик нозик, чиройли бўлса юқори баҳоланар эди. Шу тарзда авлоддан-авлодга ўтиб келган бу қадимий санъат тури йиллар давомида ўз жилосини топиб, ҳам мазмунан, ҳам шаклан ривожланиб борди.

Ўзбек каштачилиги тўғрисида гап кетар экан, нуроталик қўлигул чеварларнинг маҳоратини алоҳида таъкидлаш лозим. Нурота кашталари III-IV аср илгари Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз каби шаҳарларда машҳур бўлган. Айниқса, улар томонидан яратилган сўзана, ойнахалта, такияпуш, жомсар, кўрпақуроқлар ўзининг мукаммаллиги, аниқ ифодалари билан алоҳида ажралиб турган.

Истиқлол шарофати билан халқ ҳунармандчилиги соҳасида ҳам кенг имкониятлар яратилди. Республика ҳунармандлар уюшмаси ташкил этилиши айни муддао бўлди. Мазкур ташкилот уста ва ҳунармандларга ҳар томонлама шарт-шароит яратиш баробарида уларнинг маҳсулотларини чет элларда намойиш қилишига ҳам яқиндан ёрдам бермоқда. Бугунга келиб, каштачилик санъати нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам шуҳрат қозонмоқда. Ўзбек чевар усталари томонидан тикилган кашталарга Франция, Италия, Япония, Германия, Бельгия, АҚШ, Ҳиндистон каби хорижий давлатларда қизиқиш катта.

- Юртимизда миллий ҳунармандчилик билан шуғулланаётган хотин-қизларимизга яратилаётган имкониятлар туфайли улар меҳнати қадр топмоқда,- дейди Нурота тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Файзиева. - Туманимизда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аёллар айнан каштачилик билан шуғулланишади. Шунинг учун ҳам Нурота аёлларининг қўли гул, дейишади. Чевар хотин-қизларимиз нафақат ўзимизда, балки хорижда ўтказилаётган халқаро кўргазмаларда ҳам иштирок этишяпти. Натижада Нурота каштачилиги санъат даражасига кўтарилиб, дунё миқёсида эътироф этилмоқда.

- Келинлар сепини безаётган парда, зардевор, сўзана, ёстиқ, гулкўрпа каби каштачилик намуналари ҳақида нималар айта оласиз?

- Аввало кашта тикиш учун танланаётган матонинг ранги ва пишиқлигига аҳамият бериш лозим, - дейди Нурота шаҳри Баргсўз маҳалласида яшовчи кекса чевар Ҳамроой Йўлдошева. - Ҳозир асосан оқ ва малла бўзлардан фойдаланамиз. Илгари чеварлар маҳсулот узоқ йиллар сақланиши, ипларнинг ранги ўчиб кетмаслиги учун бўяш жараёнида анор пўстини ишлатишган. Каштанинг нафис, ёрқин кўриниши, ип рангларининг уйғун, бир меъёрда бўлиши учун, ҳатто пилла қобиғининг қатламларидан олинган ипларнинг қайси бири қаерга ишлатилишига ҳам эътибор беришган. Каштачиликнинг бу каби сир-асрорларини бугунги кунда ҳам қўллаяпмиз. Безашда, асосан бодомгул, аноргул ва қалампиргул нақшларидан фойдаланамиз.

Нуроталик чеварлар аждодларимиз меросини нафақат давом эттиришмоқда, балки қадимдан мавжуд бўлган хуржун, ойнахалта, қошиқхалта, чойхалта, эшикпарда, сандалпуш, чойнакпуш каби буюмлар тикланиб, такомиллаштирилиб борилмоқда.

Дарвоқе, бу соҳа ўз анъаналари авлоддан-авлодга ўтиши билан давомийдир. Ёши улуғ каштадўзлар ўз ҳунарларини ёш қизларга йиллар давомида ўргатиб келишган. Ҳозирги кунда ҳам нуротанинг етти ёшидан етмиш ёшгача бўлган барча қиз ва аёллари кашта тикиш санъатини эгаллашган.

- Нуротада қиз бола кашта тикишни билмаслиги уят саналади,- дейди ёш ҳунарманд Нигора Тошпўлатова. - Шу боис ёшлигимдан кашта тикишни ўрганганман. Қадимий нусхаларда тикилган кашталаримизга чет мамлакатларда ҳам қизиқиш катта. Орзуим бизга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, Нурота кашталари довруғини дунёга таратиш.

Дарҳақиқат, халқимиз тарихи, маънавий мероси ва аждодларимиз турмушида муҳим ўрин тутган халқ ҳунармандчилиги бугун ҳам ишончли қўлларда. Зеро, айни дамда Нурота туманида юзлаб, балки минглаб қўлигул опа-сингилларимиз аждодлари қолдирган меросни давом эттириш мақсадида хилма-хил кашталар тикишмоқда. Бу эса халқимизнинг миллий қадрият ва маданий меросимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромининг бениҳоя юксак эканлигидан далолатдир.

✦ МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

***Бир танишим қўл телефонини йўқотиб қўйганидан бахтиёр эканини айтганида ёқамни ушладим. "Наҳотки, сен бундан хурсанд бўлсанг", дегандек савол бердим. У эса бироз ўйланиб турди-да, қуйидаги мазмунда жавоб қайтарди:***

***- Билсанг, шу дахмазадан қутулгач қулоғим анча тинчиб, ҳақиқий ҳордиқ чиқардим. Жим-житлик, сокинлик каби тушунчаларни чинакамига ҳис қилдим. Бўлар-бўлмас безовта қилишлару, кайфиятни туширадиган ахборотларни эшитишдан халос бўлдим. Лекин, - деди у бироздан сўнг, - қишлоқдан келган қариндошларим мени қидириб, сарсон бўлишибди.***

## "Илтимос, қўл телефонингизни ўчиринг!"

### БУ ИБОРА ЎҚИТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН НЕГА ТЕЗ-ТЕЗ ҚЎЛЛАНИЛМОҚДА?

**Акобир САЙИДОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**



Мутахассисларнинг фикрича ахборот асрида яшаётган инсонлар бир сутка давомида қаттиқ чарчоқ кайфиятига тушиб қолар экан. Бунга сабаб, онгимиз қабул қилган маълумотларни тўлиқ ўзлаштириб улгурмасдан, бошқа ахборотларга дуч келади.

**Феруза АКРАМОВА, психолог:**

- Қўл телефони ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди, десак муболаға бўлмайди. Усиз гўё қулоғимиз йўқдек, ўзимизни дунёдан ажралиб, кимсасиз оролга тушиб қолгандек, ҳис қиламиз. Шунга қарамай, бошланғич синфларда таълим олаётган ўқувчиларга ота-онаси томонидан қўл телефони олиб бериш одатий ҳолга айланаётганини кўриб, ҳайрон қоламан. Бу қурилмадан фойдаланишнинг бола психологиясига анчагина салбий таъсири борки, буни ота-оналар ҳам билиб қўйса фойдадан холи бўлмайди. Биринчидан, қўл телефони ёш болани ўқишдан чалғитади. Дарсга нисбатан эътиборини пасайтириб, охир-оқибат телефонга боғланиб қолиши ҳеч гап эмас. Яъни, вақти-вақти билан унга мурожаат этиш, телефон қўнғироқларини кутиш, қайсидир тасвирларни томоша қилиб ўтириш истагини шакллантиради. Бу ҳолат эса мурғак фарзандларимизнинг дунёқарашини кенгайтирадиган бадиий асарлар ўқиш, мураббийлар, оила аъзолари билан жонли мулоқот қилиш каби ҳолатларини чеклаб, ана шу жонсиз матоҳ билан вақтини зое кетказишга асос бўлади. Шунингдек, болада телефон аппаратининг маълум кўриниши, имкониятлари, хотираси, русумини танлаш, шу орқали тенгдошлари орасида ўзини намойиш этиш хоҳиши туғилади. Айниқса, ясама, зўрма-зўраки "замонавийлик"ни тарғиб этувчи, бола хулқ-атворига салбий таъсир этувчи сохта аудио ва видео маҳсулотларга эҳтиёж юзага келади, ота-онасидан айнан шунинг учун пул сўрайди...

Энг ёмони, бу восита боланинг қизиқишларига ҳам салбий таъсир этади. Инсонда қизиқишлар мазмунан кенг, тор ёки мақсад жиҳатидан профессионал, бевосита ва билвосита, вақт томонидан барқарор ҳамда вақтинчалик бўлиши мумкин. Бу эса ҳар бир инсонда дунёқараш ва эътиқодни шакллантиришга замин яратади. Бола ривожланаётган даврда унинг қизиқишларини ҳисобга олиб, келажакда қайси соҳанинг яхши мутахассиси бўлишини билиб олиш, шунга қараб фарзандимизни билим олишга йўналтириш имкони мавжуд. Шу ўринда савол туғилади: хўш, қадрли ота-оналар, қаршингизда телефонидаги турли тасвир, даҳшатли воқеа, хунук эпизодлар, фильмларга маҳлиё бўлган фарзандингиз турибди. Келажакда унинг бефарқ, қаҳрли, раҳмсиз ва бошқа қатор "фазилатлар" соҳиби бўлмаслигига ким кафолат беради? Буни жиддий ўйлаб кўриш вақти етди.

**Сайёра ТЎРАБОЕВА, уй бекаси: (Тошкент шаҳар Чилонзор туманида истиқомат қилади)**

- Феруза Акрамованинг фикрида ҳам жон бордир. Бу замонавий воситалардан фойдаланмаслик керак, деган тасаввур уйғотмайди. Масалан, биз боғчага борадиган, мактабда таҳсил оладиган фарзандларимиздан хабар олиб туриш, унинг қаерда ва нима билан шуғулланаётганини билиш учун сотка олиб берганмиз. Қўл телефонисиз уйга келиши бироз кечикиб қолган ўғлимиз ёки қизимиздан дарров хавотир оламиз. Турли хаёлларга боришимиз тайин. Сиз айтаётган таълим-тарбия масаласида кўпроқ ўқитувчилари, тарбиячилари қайғуриши керак(!)...

**- Демак, қўл телефони боладан хабардор бўлиш, унинг қаердалигини билиш учун керакми?**

- Айнан шундай демоқчи эмасман. Телефон орқали унинг ёлғон гапига ҳам ишонишимиз мумкин-ку. Яқинда қизиқроқ маълумот эшитиб қолдим. Уяли алоқа воситасининг имкониятлари кенгайиб, суҳбатдош турган манзил, ён-атроф манзараси, юз қиёфасини ҳам кўриш имкониятлари жорий этилаётган эмиш. Балки келажакда қўл телефони болани назорат қилишнинг ҳақиқий воситасига айланар. Бундан ташқари, бугунги кунда ҳам қўл телефони орқали вақтимиз зиқлигига қарамай боламизнинг хулқ-атвори, ўқиши, саломатлиги ҳақида устозларидан маълумот олиб турамиз. Кўриниб турибдики, бу технологиядан фойдаланишнинг ҳам ижобий томонлари кўп.

Бу каби мулоҳазалар кўплаб ота-оналар томонидан билдирилганлиги эътиборимизни тортди. Фақат ота-оналар фикрлари билан чекланиб қолмай болажонларимизни ҳам мунозарага жалб қилмоқчи бўлдик. Автобусда қўл телефонини ўйнаб кетаётган жажжи болакайдан исмини сўрадим. Ўзини Лазизбек деб таништирган бола тўртинчи синфда таҳсил олишини айтди.

**- Лазизбек, "сотка"нгдан доимо фойдаланасанми?**

- Зерикканимда. Ундаги "игра"ларни ўйнайман.

**- Дарсда ҳам "игра" ўйнаб ўтирасанми?**

- Йўқ. Ўқитувчимиз уришади. Лекин, ўқитувчимиздан бекитиб, ўйнаб ўтирадиганлар ҳам бор. Баъзи болалар дарсини ёзмай, ўқитувчимизни, ўқувчиларнинг нима қилаётганини ҳам суратга олиб ўтиришади. Мен фақат бўш вақтимда ундан фойдаланаман.

Болакай ўзини оқладими ёки рост гапирдими билолмадик. Бу ҳақда ҳам мутахассис фикрига суянишни лозим топдик.

**Комилжон КАЛОНОВ, социология фанлари номзоди, доцент:**

- Дарҳақиқат, юқоридаги каби уяли алоқа телефонларининг зарари ҳақида шунчалик кўп гапираяпмизки, оқибатда унинг ижобий томонлари ҳам борлиги, оммалашувининг асосий омилларини унутиб қўйяпмиз назаримда. Қўл телефони воситасида узоғимиз яқин бўлаётгани сир эмас. Дўстимизни йўқлашга вақт тополмасакда у орқали ҳол-аҳвол сўрашимиз мумкин-ку. Дардлашамиз, ҳасратлашиш учун қандайдир рақамларни терсак бўлгани. Кимлардир қайта-қайта таъкидлаётган салбий ҳолатларнинг юз беришига ўзимиз айбдор эканлигимизни унутмайлик. Сабаби битта, фаолиятнинг ҳар бир қиррасида бўлгани каби телефондан фойдаланишнинг ҳам ўзига хос маданияти бор. Шуни билмаслигимиз оқибатида ён-атрофдагилар кўнглига озор бериб қўймоқдамиз. Оддий мисол, автобус, метро, бекат ва ҳоказо жамоат жойларида баланд товушда сўзлашаётган кишилар кўпчиликнинг ғашига тегади. Ажабланарли жиҳати йўқ, ота-боболаримиз ўз панд-насиҳатларида кўпчилик орасида, ҳатто базмларда ҳам секин гаплашиш, бировнинг сўзини бўлмасликни таъкидлашган.

Кўряпсизми, миллийлигимиз, халқимизнинг бой анъаналари замирида қанчалик кўп ўрнак оларли жиҳатлар бор. Буни исталган замонда, тараққиёт асрида қўллаш, тарғиб қилиш жоиз саналади. Кимдир фарзандининг қўл телефонига "ёпишиб қолганлиги"дан шикоят қилади. Аслида, ўша ота-она бирор марта бўлса ҳам фарзандига сўзнинг қадри нечоғлик буюклиги, уни исроф қилиш ёмонлигини Навоий тилидан тушунтирмаса ҳам оддий халқ оғзаки ижоди воситасида тушунтириб берганмикан?! Мана муаммо қаерда.

Суҳбатдошларимиз охирги хулосани ҳам ўзлари айтишди. "Маданият" тушунчаси жуда кенг қамровга эга. Уни ҳаётимизнинг барча жабҳасида шакллантириш муҳим ва долзарб масала. Бунинг учун бой анъаналаримиз, беқиёс миллий маънавий бойлигимиз бор. Фақат лоқайдликдан қутулиб, огоҳликка юз бурсак бўлгани.

ЎҚУВ-СЕМИНАР



## Фан ойлиги

### ҲАМ ЎҚУВЧИ, ҲАМ ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ БЎЛМОҚДА

Бугун юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, маънавий етук, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муҳим дастуриламал бўлмоқда. Комил инсонни тарбиялаш, айниқса, таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи кадрлар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 14-умумтаълим мактабида Информатика ва математика фани ойлиги доирасида кўргазма ташкил қилинди. Унда ноанъанавий дарс ишланмалари, буклетлар, кўргазмали воситалар, қизиқарли материаллар намойиш этилди. Шунингдек, ушбу фан ўқитувчилари иштирокида семинар ўтказилди. Мазкур тадбирда уюшқоқлик билан иштирок этган мактаб ўқитувчиси Раъно Шодмонова машғулотларни ноанъанавий тарзда ташкил этиб, "Компьютернинг ташқи хотираси билан ишлаш" мавзусида 8 синф ўқувчиларига очиқ дарс ўтар экан, мавзуга оид кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллардан кенг ва унумли фойдаланди. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларнинг билимини ошириш баробарида, фанга янада кўпроқ қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, информатика-физика фани ўқитувчиси А.Бурнашаева 7-синф ўқувчиларига такрорлаш дарсини гуруҳларга бўлиб ўтди. Ўқувчилар ўтилган мавзуларни қайта ёдга олиб, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб олдилар. Д.Ғуломова ушбу фанлар тўгаракларининг аъзолари билан "Ўйла, изла, топ" ёки "7x7" интеллектуал баҳс-шоу тадбирини ўтказиб, ўқувчилар билим салоҳиятини яна бир бор синовдан ўтказди.

Фан ойлиги янада қизиқарли ўтиши учун барча ўқитувчилар ҳамжиҳатлигида иш олиб борилди. Айниқса, ўқувчилар фанлар бўйича рефератлар билан қатнашиб, ғолибликни қўлга киритдилар.

Тадбир сўнгида семинар қатнашчилари ўтказилган очиқ дарсларни таҳлил қилиб, ютуқ ва камчиликларни эътироф этдилар.

Бу каби фан ойликлари нафақат ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлаб, синовдан ўтказади, балки ўқитувчиларнинг соҳага нисбатан бўлган тажриба ва изланишларини ҳам оширади.

**Дилфуза РЎЗИЕВА, «Milliy tiklanish» мухбири**

✦ ОГОҲЛИК

***Халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бунда ички ишлар идораларининг, жумладан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш хизматининг муҳим ўрни бор.***

## Олдини олган афзал

Айниқса ҳаво совиган, ёмғирли кунларда хонадонларда иситиш мосламалари ишга тушади. Аммо улардан ҳамма ҳам тўғри фойдаланавермайди. Таҳлиллардан маълум бўлишича, ёнғин хавфи билан боғлиқ кўплаб кўнгилсиз ҳодисалар айнан иситиш мосламаларининг носозлиги ёки улардан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиқади.

Бу борада бош бошқармамиз томонидан тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Ходимларимизнинг жойларда маҳалла фаоллари, ҳудудий профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши ойликнинг юқори савияда ўтишини таъминламоқда. Айни пайтда улар ёнғин хавфсизлиги қоидалари, тегишли меъёрий ҳужжатлар юзасидан жойларда учрашувлар уюштириб, кўргазмалар ташкил қилмоқда. Хавфсизлик қоидаларига амал қилишнинг аҳамияти, юз бериши мумкин бўлган ёнғиннинг олдини олиш чоралари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда анъанавий тус олган ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказила бошланган йиллардан буён ёнғинлар сони сезиларли даражада камайди. Мисол учун, сўнгги беш йил мобайнида давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан республикамиз ҳудудида амалга оширилган қатор чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, ёнғинлар сонини 951 тага камайтиришга эришилди. Фуқароларнинг ёнғинда тан жароҳати олиш ва ҳалок бўлиш ҳолатлари ҳам сезиларли даражада пасайди. Ёнғин билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатларнинг камайишида, аввало, ёнғин хавфсизлиги соҳаси ходимлари томонидан ўтказилаётган кенг кўламли профилактика чора-тадбирлари ва тарғибот-ташвиқот ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Унутманг ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олган афзал. Бу йиллар мобайнида тер тўкиб орттирилган бойлигимизни ва ҳаётимизни "тилсиз ёв"дан асрашнинг ягона ва оқилона йўлидир. Мазкур соҳа ходимларининг саъй-ҳаракатлари ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилади. Буларнинг барчаси халқимизнинг осуда ва фаровон турмуши, қолаверса, байрамларнинг янада шукуҳли ўтишини таъминлашга хизмат қилади.

**Даврон ҚОДИРОВ, Яккасарой туман ИИБ ЁХБ инспектори**

## ТАЪЛИМ

***Ноанъанавий дарсларни илғор методлар билан бойитиш ҳар бир педагогдан ўзига хос маҳорат талаб қилади. Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўрар экан ташхислаш асносида ўзининг ва таълим олувчиларнинг имкониятилари, техник реал воситаларни ҳисобга олган ҳолда методлар танлайди. Айни пайтда бу методлар дарс босқичларига ҳам мос тушиши керак.***

# Интерфаол усул

### ДАРСДА МОҲИР ЎҚИТУВЧИ ВА ФАОЛ ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР ЗАРУР

**Малика АҲМЕДОВА,**
**Тошкент тумани Агросаноат ва бизнес коллежи ўқитувчиси**

Авваламбор, дарснинг кириш босқичида қизиқтириш, мотивация усулини қўллаш мақсадга мувофиқ. Қизиқарли цитата, мавзуга доир қисқача ҳикоят, ривоят ёки саволлар орқали «ақлий ҳужум» уюштириш мумкин. Маълумки, «Эстетика» фани мактабда ўтилган фанларнинг тадрижий давоми эмас, балки ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқувчилари учун мутлақо янги фан. Ногоҳ ўқувчида «Бу фаннинг бизга қандай фойдаси бор?», деган савол туғилиши мумкин. Бунда ўқитувчи ёшлар учун муҳим, қизиқарли маълумотлардан моҳирлик билан фойдаланиши лозим.

Машҳур америкалик руҳшунос Дейл Карнеги таъкидлаганидек, ҳар бир инсоннинг яхши кўрган нарсаларидан бири бу унинг исмдир. Ўқувчи ўз исмини таништириб, ўзи туғилиб ўсган муҳит ҳақида, дарсга бўлган фикр-мулоҳазаларини гапирар экан, унга бефарқ эмасликларини тушуниб етади. Бу ўқувчи томонга ташланган биринчи қадамдир.

«Эстетик тарбия усуллари ва воситалари» мавзуини ўтишда халқимизнинг қадриятларидан бирини ишлатишни жоиз деб топдим. Йўқлама ва дарсга тайёргарликларини текшириб бўлиб уларга шундай мурожаат қилдим: - Ўқувчилар, халқимизда шундай гўзал дуо бор: тупроқ олсанг олтин бўлсин, дейдилар. Келинглар, шу сўзларнинг мағзини чақиб кўрамиз.

Ўқувчиларда шу ондаёқ билиб олиш, илғаб олишга шайлик ҳолати уйғонади. Қоп-қора тупроқни сап-сариқ, товланиб турган олтинга айлантиришдек илоҳий қудрат «сир»ини топишга киришадилар. Бу инсон ҳаётининг мажозий маъноси эканлигини, хира, рангсиз турмушнинг таассуротларга бой, жўшқин, фаровон, файз-баракотли ҳаёт тарзига алмаштириш вазифалари айнан эстетик тарбияга боғлиқ эканлиги аён бўлади. Ҳаётдан, халқ оғзаки ижодидан мисоллар келтириб уни илмийлик сари йўналтириш ҳам ўқитувчидан маҳорат талаб қилади. Бунда таълим олувчи таълим берувчини янги соҳага олиб киради, яъни биргаликда янги мавзу ўзлаштирилади. Бу тахминан жуфтлик соатининг 20 дақиқасини ташкил қилади. Бу вақт давомида бемалол маъруза ўқиб, мунозара ёки ўқув суҳбати уюштириш имкони бор. Синфхонадаги парталарнинг жойлашиши баҳс-мунозарага муносиб тарзда қўйилиши айни муддао. Янги мавзу баёни чоғида реал ва визуал, яъни кўриш мумкин бўлган воситалардан фойдаланилса таълим мазмуни янада бойийди. Масалан, «Эстетика» фанидан тасвирий асар намуналари, кулолчилик, ганжкорлик, миниатюра каби санъат асарларидан намуналар келтириш мумкин.

Янги мавзуни мустаҳкамлаш босқичи, айни вақтда «қайтар алоқа»ни таъминлайди. Яъни таълим берувчи таълим олувчиларга узатилган ахборотларни қайта ишлаш асносида уларни янада мустаҳкамлайди. Шу фурсат давомида кўплаб интерфаол усулларни қўллаш мумкин. Масалан, кичик гуруҳлар ташкил қилиш орқали ўқувчилар янада фаоллашадилар.

Бунда ноанъанавий таълим методларининг ўзига хос хусусияти яққол намоён бўлади. Яъни, таълим жараёни марказини авторитар ўқитувчи эмас, фаоллашган ўқувчилар эгаллайди. Уларнинг ўзларига, билимларига бўлган ишонч янада ошади, ўзларининг ва бир-бирларининг фикрларини ҳурмат қилишга ўрганадилар. Таълим билан бирга тарбиянинг ҳам чексиз қудрати бирлашади.

## ИСТИҚБОЛ

***Эл-юртнинг фаровон, тинч-осойишта бўлиши, тўкин-сочинликда яшаши, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида, албатта, ёш авлоднинг хизмати беқиёс. Шу боис республикамизнинг вилоят, туман марказларида, ҳатто чекка қишлоқларида жаҳон андозаларига мос академик лицей, касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда.***

# Келажак — ёшлар қўлида

### УЛАРНИНГ БИЛИМ САВИЯСИ, ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ, ДУНЁҚАРАШИ ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИ БЕЛГИЛАЙДИ

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни такомиллаштириш, уларнинг туб моҳиятини чуқур ўрганиш, ёш авлодни ҳар томонлама етук, давр талабига жавоб берадиган малакали мутахассис, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли инсонлар қилиб тарбиялашдек долзарб вазифалар турибди. Хўш, бу вазифалар қандай адо этилаяпти? Саволларимизга жавоб топиш ҳамда эндигина етуклик шаҳодатномасини қўлига олиб, мустақил ҳаёт остонасида қайси соҳани, қайси касбни эгаллашни ўйлаб турган ёшларнинг ҳаёти билан қизиқиб Самарқанд туман Равонак қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи талабаларининг жўшқин ҳаёти билан танишдик.

- Самарқанд туман Равонак қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи 2001 йил 25 январда ташкил топган бўлиб, 750 ўринга мўлжалланган, - дейди ушбу маскан директори, доцент Собир Зайниев. - Коллежнинг умумий ер майдони 10 га. 33 та ўқув аудиторияси, фаоллар зали, спорт зали ва ўқув устахоналаридан иборат бўлиб, меъёр талабларига мос келади. Коллежда соғломлаштириш иншоотлари, 200 ўринли йиғилишлар зали ва ошхона фаолият кўрсатмоқда.

Талабаларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ҳамда турли хил маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишлари учун етарли шароитлар яратилган. Коллежга тикув ва тикув-трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш технологияси, транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил қилиш, транспорт воситаларини таъмирлаш, дурадгорлик ва паркет ишлари, бошланғич таълим, бухгалтерия ҳисоби, компьютер тармоқларини ўрнатишни йўлга қўйиш ва ишлатиш, сув, газ таъминоти ва оқова тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш йўналишлари бўйича абитуриентлар қабул қиламиз ва улар келажакда бу ерда ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишади. Коллежда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари, соғлом турмуш кечиришлари учун кўмак ва кенг имкониятлар яратиш, ўқувчиларга билим бериш билан бирга болаларнинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини аниқлаш, тарбиялаш, рўёбга чиқариш, вояга етмаганларни таълим-тарбияси борасида олиб борилаётган ишлар, соғлигини ҳимоя қилиш, моддий-техник жиҳатдан таъминланиш, санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш борасида ижобий ишлар қилинмоқда. Коллеж Жанубий Корея, Япония ва «Эл-холдинг» фирмасидан келтирилган жиҳоз ва лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланган. Масканда ўқув ҳамда ишлаб чиқариш амалиётларининг ўтказилиши бўйича барча меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Амалиётларни намунали ва сифатли ўтказиш учун 17 та ташкилот, корхона ва қўшма корхона билан ҳамкорлик шартномалари тузганмиз. Педагог ва муҳандис-педагогларнинг жиҳозларни ишлатиш бўйича тажрибалари асосида ўқув жараёни компьютер, кодоскоп, видеоглаз, лингафон, тикув машиналари каби жиҳозлардан фойдаланган ҳолда ўтилмоқда. Иш фаолиятини яқинда бошлаган ёш ўқитувчиларга малакали мутахассислар яқиндан ёрдам бермоқда ва тажрибали ўқитувчиларга бириктирилган. Мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган, миллий менталитетимизга ёт, зарарли таъсирларга қарши туришга қодир ёшларни тарбиялаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва бу борада қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ахборот-ресурс марказида 6 дона янги компьютер ўрнатилган, принтер, нусха кўчириш, сканер мавжуд. Барча мавзудаги адабиётларнинг электрон вариантлари яратилган. Ўқувчилар керакли мавзуларни ўрганиш имкониятига тўлиқ эга. «Германия техникавий ҳамкорлик жамияти» ГТЦ ва Германия тараққиёт банки ҳамкорлигидаги «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган 3 та мутахассислик бўйича ўқув қўлланмалар билан таъминланган.

**- Собир ака, талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қандай тадбирлар ишлаб чиқилган, шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

- Албатта, талабаларнинг бўш вақтларини кўнгилдагидек ўтказиш учун етарли шароит яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Жумладан, коллежда «Маънавият ва маърифат» хонаси, кутубхона, компьютер хоналари мунтазам ишлаб турибди. Улар ҳар хил китоблар, газета ва журналлар билан таъминланган. Турли хил мавзудаги тадбирлар, адабий-бадиий кечалар уюштирилади. Фахрийлар кенгаши раиси Ф.Нажмиддинов томонидан ҳар йили анъанавий иншоотлар танлови ўтказилади. Коллежда спорт секциялари, 22 та фан тўгараки, компьютер курслари, ахборот-ресурс маркази, тикувчилик, чилангарлик, пайвандлаш устахоналари мунтазам фаолият юритади. «Ўлкашунослик», «Моҳир қўллар», «Нотиқлик санъати», «Бадиий ҳаваскорлик» тўгараклари вилоят миқёсида фаол иштирок этиб, ижобий натижаларни қўлга киритмоқда. Ўқувчи-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишда спорт соғломлаштириш ишлари салмоғини янада ошириш учун дарсдан ташқари вақтларда турли хил ўйин ва мусобақалар ташкил этилади. Спортнинг теннис, баскетбол, волейбол, миллий кураш, шахмат, шашка, футбол, каратэ турлари бўйича мунтазам гуруҳлараро спорт мусобақалари ўтказиб турилади. «Таманно», «Миллий қадриятларимиз — фахримиз», «Миллий либосларимиз — аёлларимиз кўрки», «Тикувчилик, ишлаб чиқариш» йўналишларида ўқувчи-қизларимиз фаол иштирок этиб, ўзлари яратган либосларни намойиш қилиб, қиз болаларнинг эпчил, чаққон ва зукколигини амалда кўрсатмоқдалар.

# ЖАРАЁН

**2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ**

# Таълим тараққиёти

### КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Дарҳақиқат, ушбу дастурлар доирасида ўтган давр мобайнида улуғвор ишлар амалга оширилди. Натижада таълим-тарбия жараёни тизимлаштирилди, ягона ва узлуксиз таълим тизими яратилди. Таълим мактабгача, ўрта-умумий, ўрта-махсус, касб-ҳунар, олий, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимларга бўлинди. Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори замон талабларидан келиб чиқиб, доимийлик асосида янгиланиб борилмоқда. Давлат таълим стандартлари, фанларнинг ўқув дастурлари, уларга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилиб, намунавий ўқув режалари тайёрланди. Ўрта умумий таълим 9 йиллик бўлиб, мажбурий эканлиги, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими 3 йиллик бўлиб, мажбурий-ихтиёрий эканлиги белгилаб қўйилди. Бунда касб ёки ҳунарни танлаш ихтиёрийлиги, ўқиш эса мажбурийлиги назарда тутилганлигини эътироф этиш жоиз. Бу орқали ёшларга умумий таълим билан бирга замонавий касб-ҳунарларга эга бўлиш имкониятлари яратилди. Олий таълим ҳам икки босқичли - бакалавриат ва магистратура тарзида ташкил этилиб, жаҳон андозаларига мос тушишига эътибор қаратилди.

Албатта, таълим-тарбия жараёни ҳеч қачон бир нуқтада тўхтаб қолмайди. Вақт ўтиши билан унинг воситалари, усул ва услублари ўзгаради. Шу сабабдан, замон руҳига мос талаблар асосида янгиланиб, такомиллаштирилиб борилади. Жорий "Баркамол авлод йили" Давлат дастури таълим-тарбия жараёнига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга молик. Дастурда ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техник базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш масаласига урғу берилган.

Шу мақсадда 2010-2015 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, барча ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона муассасаларида электрон кутубхонани босқичма-босқич шакллантириш, республикада интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғини ташкил этиш, республиканинг ҳар бир туман ва шаҳарларида фаолият юритаётган халқ таълимининг мактабдан ташқари муассасалари ва клублари, маданият муассасалари базасида замонавий жиҳозланган «Баркамол авлод маркази»ни ташкил этиш ва уни ривожлантириш, ҳар бир маҳалла, даҳа ва микротуманда болалар майдончаларини тиклаш ва ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш режалаштирилган. Шунингдек, барча таълим муассасаларида яратилган моддий-техника базасидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган механизмни яратиш ҳам дастурдан ўрин олган. Албатта, яратилган шароитлардан қандай фойдаланилаётганлиги, унинг мониторингини олиб бориш, назоратини ўрнатиш ҳам зарурдир. Бу борада таълим тизими мутасаддиларига масъулиятли вазифалар юкланади. Мазкур фаолиятда бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари, маҳаллий кенгашлар ва Олий Мажлис депутатлари ва сенаторларидан тузилган жамоатчилик назоратининг самарали фаолияти муҳим саналади. Бунда, энг аввало, ўтган давр мобайнида яратилган моддий-техник базадан фойдаланиш даражасини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури бўйича умумтаълим мактаблари учун 491 номда, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун 345 номда, олий таълим муассасалари учун 180 номда янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари нашр этилиши режалаштирилган. Бунда тайёрланадиган мутахассисларга қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, авваламбор, замонавий мутахассислар учун зарур фанлар мажмуини танлаш, фанларнинг дастурларини тайёрлаш, муҳими, ўқув дастурларида фанларнинг у ёки бу номда, мавзуларнинг фанлар кесимида такрорланмаслигига эришиш ҳисобланади. Ўқув-услубий адабиётлар давлат таълим стандартларида белгилаб берилган вазифаларни тўлиқ қамраб олиши, машғулотларни замонавий-педагогик технологиялар, хусусан, ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида олиб бориш давр тақозоси саналади. Электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларининг кенг жорий этилиши натижасида таълим масканларида, биринчидан, таълимга бўлган муносабат ўзгаради, иккинчидан, мустақил таълим олишга бўлган интилиш кучаяди.

Таълим муассасаларида таълим сифатини яхшилаш мақсадида дастурда 2010-2011 йиллар мобайнида ҳар бир умумтаълим мактабида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежида маҳаллий тармоқли замонавий компьютер синфи жиҳозланиши ва фаолият кўрсатишини таъминлаш режалаштирилган. Бунда 1551 та мактабни «Умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш» лойиҳаси, 650 та мактабни «Умумтаълим мактабларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» лойиҳаси доирасида, 2228 та мактабни Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига компьютер синфлари билан жиҳозлаш ва маҳаллий тармоқлар ташкил этиш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини компьютер синфлари билан, шунингдек, ахборот-ресурс марказларини компьютер техникаси билан жиҳозлаш назарда тутилган. Бундан ташқари, 150 та касб-ҳунар коллежи "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳаси, 5 та касб-ҳунар коллежи «Бешта касб-ҳунар коллежи қуриш ва уларни жиҳозлаш» лойиҳаси, 30 та касб-ҳунар коллежи «Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида касб-ҳунар таълими ривожланишига кўмаклашиш" лойиҳаси, 18 та академик лицей ва 196 та касб-ҳунар коллежи; 316 та қишлоқ мактаби «Қишлоқ жойларда умумий ўрта таълимни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида ўқув-лаборатория ва мультимедиа ускуналари билан жиҳозланади.

2010-2011 йиллар давомида ҳар бир умумтаълим мактаби 41 номдаги электрон дарслик ва ўқув фильмлари, шунингдек, Ўзбекистон тарихи, маданияти ва замонавий ютуқлари бўйича электрон манбалар, ҳар бир мактабгача таълим муассасасини ўйинли ва билиш билан боғлиқ мультимедиа дастурлари, жумладан, кичик ёшдагилар учун «Ўзбекистон — Ватаним менинг» ранглар ва шакллар, энциклопедияни ўрганамиз, болалар қўшиқлари, хорижий тиллардаги қўшиқларни намойиш қилиш учун 6000 дона DVD аппаратлари билан таъминланадилар. Умумтаълим мактабларининг компьютер техникаси ва ўқув-лаборатория жиҳозлари сақланишини, уларга техник хизмат кўрсатилишини таъминлаш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя масаласига энг устувор вазифа сифатида қаралиб келинмоқда. Бунда имконияти чекланган ёшларга таълим бериш, уларга тегишли шароитлар яратиш, ҳаётда ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш алоҳида ўрин эгаллайди. Шу мақсадда имконияти чекланган ва уйда қатнаб ўқишга жалб қилинган икки минг ўқувчини шахсий компьютерлар билан таъминлаш ҳамда уларни «ZiyoNet» тармоғига улаш режалаштирилган. Худди шундай, жисмоний имкониятлари чекланган талабаларни уйда қўшимча равишда ўқитиш учун икки юз эллик талабага «ZiyoNet» тармоғидан фойдаланиш имкониятлари яратилади.

Дастурда олий ўқув юртлари учун ўқув бинолари қуриш, амалда фойдаланилаётганларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ишлари, олий таълим муассасалари учун қуриладиган бинолар ва ўқув корпуслари учун лойиҳа-қидирув ишлари борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган.

Ўқитувчилар ва педагоглар меҳнатини қадрлаш, уларни ўз вақтида моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш борасида ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат давом эттирилиб, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишда жонбозлик кўрсатган соҳа ходимларини рағбатлантириш чоралари ҳам ишлаб чиқилган. Жумладан, ўқув жараёнини ва педагогик технологияларни такомиллаштириш бўйича лойиҳаларни тайёрлаган энг яхши педагогларга танлов асосида педагогик грантлар бериш борасидаги чора-тадбирлар тизимини амалга оширишни давом эттириш мақсадида умумтаълим мактабларининг 20 нафар ўқитувчисига 14,0 млн., ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг 20 нафар ўқитувчисига 18,0 млн., олий ўқув юртларининг 10 нафар ўқитувчисига 5,0 млн. сўм миқдорида бир марталик педагогик грантлар ажратилган. Бундан ташқари, мактаблар, лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, илмий-тадқиқот ташкилотларининг ходимлари ўртасида "Йилнинг энг яхши педагоги", "Йилнинг энг яхши мураббийси", "Йилнинг энг яхши илмий раҳбари" танловларини ташкил қилиш режалаштирилган.

Таъкидлаш лозимки, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида таълим соҳасида амалга ошириладиган ишлар мамлакатимизда ёшлар тарбияси ва улардан етук мутахассислар тайёрлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг узвий давоми бўлиб, мақсад юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук ёш кадрларни тайёрлашга қаратилган.

**Урал ХАИТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

✦ БИЗНИНГ ШАРҲ

*Бу йилги қиш фаслида жаҳоннинг кўплаб минтақаларида қалин қор ёғиб, одамларни анчайин ташвишга солди. Қорбўронларнинг айрим мамлакатлар иқтисодиётига етказган зарари ҳақида кўп гапириб, кўп ёзиш мумкин.*

## Табиат инжиқликлари

### КАТТА ТАЛОФАТ ЕТКАЗМОҚДА



**Ш.ТЎЛАГАНОВ**

Кучли қорбўронлар Европа мамлакатларида, АҚШ ва Канада давлатларида қайд қилинди. Бунинг оқибатида электр узатиш тармоқлари нам қорларни кўтаролмай узилиб, симёғочлар эса қулаб тушди. Тоғларда эса қор кўчкиларини келтириб чиқарди. Табиат инжиқликлари Америкага ҳам таъсир кўрсатди.

АҚШ Шарқий ва Марказий соҳилларида қорбўронлари юз йил аввал кузатилган даражада қайд қилинди. Оқибатда электр узатиш қурилмаларига зиён етди ва минглаб уйлар электр таъминотидан маҳрум бўлди. Мамлакат пойтахти Вашингтонда эса рекорд даража қайд қилинди. Бу каби ҳолат сўнгги бор 110 йил аввал кузатилган эди. 1898-99 йилларда Вашингтонга 138 см. қалинликда қор ёққан эди. Нью-Йорк, Нью-Жерси, Пенсильвания, Массачусетс, Мэриленд ва бошқа штатларда ҳам мураккаб об-ҳаво кузатилди. Бу штатларда ҳам худди Вашингтонда бўлгани каби давлат муассасалари, касалхона, ўқув даргоҳлари ишламади. Тахминан 20та штатдаги аэропортлар беркитилди, минглаб рейслар бекор қилинди. Жанубий штатларда ҳам қор бўронлари оқибатида фуқаролар электр манбаидан маҳрум бўлди. Журналистлар ҳазиллашиб, бу йилги қорбўронлар Американи Қорлар Штатларига айлантиргани ҳақида ёзишди.

Бу йилги қиш европаликларни яна бир синовдан ўтказди. Бир неча кун давом этган тинимсиз қорбўронлар минтақа аҳолисини оғир вазиятга тушириб қўйди. Минглаб одамлар ўз вақтида ишга, ишга борганлар эса уйига қайта олмади, кўплаб мактаблар ёпилди. Дўконларга эса озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришда узилишлар бўлди. Йўл хавфсизлик хизмати ходимлари турли фожиаларнинг олдини олиш мақсадида мураккаб вазиятларда ишлашга мажбур бўлишди. Айрим минтақаларда йўлларни қорлардан тозалаш мақсадида ишлатиладиган тузлар етишмади. Бир нечта шаҳардаги халқаро аэропортлар беркитилгани боис самолётлар қатнови бекор қилинди. Темирйўл транспорти эса узилишлар билан фаолият юритди.

Қорбўронлар натижасида Европанинг деярли барча мамлакатларида транспорт қатнови издан чиқди. Масалан, 29 январдан 30 январга ўтар кечаси юз берган қор бўрони оқибатида Германиянинг бир қатор минтақаларида транспорт қатновида мураккабликлар юзага келди. Бир кун мобайнида Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкасида 300га яқин йўл транспорт ҳодисаси қайд қилинди. Росток шаҳрида транспорт ҳаракати бутунлай тўхтаб қолди. Айрим минтақаларда машиналар тирбандлиги бир неча километрга етди. Аэропортлар фаолиятини тўхтатгани боис самолёт парвозлари бекор қилинди. Мамлакат шимолини жануб билан боғловчи темирйўлда тезюрар поездларнинг қатнови ҳам тўхтаб қолди. Португалияга тегишли Мадейра оролида юз берган сув тошқинлари ҳам оролдаги турмуш тарзини издан чиқарди.

Умуман бу йилги қиш қатор мамлакатларга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказди. Таҳлилчилар, ноқулай об-ҳавога сайёрамизда иқлимнинг ўзгариб бориши сабаб бўлмоқда, деган фикрларни айтишмоқда. Сўнгги йилларда кузатилаётган иқлим ўзгариши натижасида Антарктида, Арктика музликларининг эриши, сув тошқинлари, айрим минтақаларда ҳавонинг исиб кетиши оқибатида ўрмон ёнғинлари юз бераётганидан асло кўз юмиб бўлмайди.

Мутахассисларнинг фикрича, табиат инжиқликлари глобал инқироз даврида ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига жиддий зарар етказиши мумкин. БМТ яқинда эълон қилган ҳисоботида хавфли табиий офатлар сифатида биринчи ўринга сув тошқинларини, иккинчи ўринга зилзилани, учинчи ўринга эса кўчкиларни келтириб ўтган. Халқаро ҳамжамият ҳисоботига кўра, 1975 йилдан то шу кунга қадар юз берган 23та йирик табиий офат натижасида 1 миллион 700 минг киши ҳалок бўлган. Айни дамда 1 миллиард киши табиий офатлар юз бериши мумкин бўлган хавфли минтақаларда истиқомат қилмоқда экан. Сўнгги йилларда табиат инжиқликларининг хавфи тобора ортиб бормоқда. Масалан, Осиё мамлакатларида сув тошқинларининг хавфи 1990 йилдан бери икки баробар ошгани таъкидланади.

Ер куррасида зилзилалар ҳам деярли ҳар йили тез-тез юз бериб турибди. Минг афсуски, табиатнинг бу офатидан қочиб қутулишнинг иложи ҳам, имкони ҳам йўқ. Энг ташвишлиси, ер силкинишлари қачон ва қаерда бўлишини олдиндан ҳеч ким аниқ айтиб бера олмайди. Зилзила маркази океан тубида бўлса, у улкан цунами ҳосил қилади. Цунамиларнинг хавфли томони шундаки, улар океанда унчалик хавф туғдирмайди. Бироқ қирғоққа урилганда вайронагарчиликларга сабаб бўлади. Қирғоқ қанчалик тик бўлса, тўлқинларнинг баландлиги ҳам шунчалик юқори бўлади. Соҳилга урилган тўлқин ортга қайтиб, навбатдагиси билан учрашганидан сўнг янада даҳшатли бўлади. Шу йилнинг 12 январь куни Гаитида юз берган зилзила оқибатида 270 минг кишининг ҳалок бўлгани расман эълон қилинди. 27 февраль куни Чилида ҳам Рихтер шкалласи бўйича 8,8 баллни ташкил этувчи зилзила ва ундан кейин бир нечта ер қимирлашлари қайд қилинди. Чили сейсмик фаол минтақада жойлашгани, бу ерда бинолар зилзилага бардошли қилиб барпо этилгани боис талофатлар Гаитига нисбатан кам бўлди. Ҳозирга қадар мингга яқин киши қурбон бўлгани айтилмоқда.

Таҳлилчиларнинг фикрича, энг хавфли табиий офатлар 2008 йилда қайд қилинган. Ўша йили юз берган табиий офат ва техноген фалокатлар туфайли зарар кўрганларга жаҳондаги суғурта компаниялари томонидан жами 52,5 миллиард доллар миқдорида суғурта пули тўланган.

Сайёрамиз неъматларидан пала-партиш фойдаланиш яхшиликка олиб келмайди. Биз она-еримиз ва унинг бойликларини асрашимиз керак. Ана шундагина турли офатларнинг,табиат инжиқликларининг олдини олган бўламиз.

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

### Туркиядаги зилзила

*Туркия шарқида Рихтер шкаласи бўйича 6 балли ер силкиниши рўй берган. Расмий маълумотларга кўра, элликдан ортиқ инсон нобуд бўлган.*



Зилзила маркази мамлакат шарқидаги Қорақочан шаҳри бўлган. Маҳаллий вақт билан тонгги соат 4.32 да юз берган силкиниш бир неча биноларни вайрон қилган. Маҳаллий масъулларнинг айтишларича, аксарият уй-жой ва бинолар паст сифатли хом ғиштдан қурилгани учун зилзилага бардош беролмаган. Ҳозир ер силкинишидан зиён кўрган барча қишлоқларга қутқарув ходимлари етиб боришган. Минтақада ҳозирги пайтда қақшатқич қиш ҳукмрон. Шу сабаб, Халқаро қизил хоч ташкилотининг Туркиядаги маҳаллий идораси омон қолганларга ёрдам бериш учун вақтинчалик бошпаналар тиклашга киришган. Ер силкиниши ортидан ҳам қирқдан ортиқ кичик-кичик силкинишлар кузатилган. Туркияда бундан аввалги йирик зилзила 1999 йилда юз берган, ўшанда 20.000га яқин киши қурбон бўлганди. Истанбул сейсмик фаол ҳудудда жойлашгани боис мутахассисларнинг хавотирлари ҳануз тарқалмаган. Бу ерда келаси ўн йиллар ичида яна бир қақшатқич ер силкиниши юз бериши башорат қилинади.

### Коалиция пешқадам

*Ироқда сайлов натижалари ҳисоблаб чиқилмоқда.*



Ироқда мустақил комиссия парламент сайловлари учун берилган овозларни ҳисоблаб чиқмоқда. Маълумотларга кўра, кўрсаткич ўтган 4 йилга нисбатан кам, шунга қарамай, сайловчиларнинг 62 фоизи иштирок этгани нисбатан яхши кўрсаткич экани айтилмоқда. Тахминий маълумотларга қараганда, унда амалдаги бош вазир Нури ал-Малик бошчилигидаги коалиция пешқадамлик қилмоқда. Мутахассислар ал-Малик пойтахт Бағдод жанубида ғалабага эришганини таъкидлашган. Бош вазирнинг сайловдаги асосий рақиби либерал-ватанпарвар блоки раҳбари Аяд Алауи сайловлар жараёнида бир нечта қонунбузилишлар қайд этилганини айтган. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, барча бюллетенларни санаш учун яна бир неча кун керак бўлади.

Сўнгги хабарларга қараганда, Ироқнинг Баакуба шаҳрида террорчилар томонидан бир нечта портлашлар содир этилган. "Euronews" телеканали хабарича, оқибатда 40 нафардан зиёд одам турли даражадаги тан жароҳати олган.

### Сессия 26 мартгача

*Инсон ҳуқуқлари бўйича янги ҳисобот эълон қилинди.*



Женевада жойлашган БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ташкилоти 2009 йилги ҳисоботни тақдим этган. Инсон ҳуқуқлари кенгаши йиғинида мутахассислар Эрон ва Шри Ланкада инсон ҳуқуқларини поймол қилиш ҳоллари кузатилгани айтилган. Ҳисоботга кўра, айни пайтда Шри Ланкани ўтган йил ҳукумат ва Тамил йўлбарслари ўртасида кечган уруш пайти қўл урилган қонунбузарликлар устидан текширув олиб бормаётгани танқид қилинган. Ташкилот АҚШни Гуантанамо қамоқхонаси ва Афғонистондаги АҚШнинг Баграм ҳаво базасида қийноқлар қўлланилганига оид айбловлар бўйича тўлақонли текширувлар ўтказишга чақирган. Душанба куни очилган Инсон ҳуқуқлари кенгашининг 13-сессияси 26 мартгача давом этади.

### Икки ҳафтадан сўнг

*Чилида қарийб 80 нафар одам қутқариб олинган.*



Чилида қутқарувчилар Консепсьон шаҳридаги вайрон бўлган турар-жой биносидан 80 нафар одамни қутқариб олишган. 27 февраль кунги зилзиладан қарийб икки ҳафта ўтиб, бир бинодан қарийб 80 нафар одамни тириклай қутқариб олингани жуда катта натижадир, дейишмоқда мутахассислар. Мазкур бинода жами 80 та хонадон истиқомат қилган. Катталиги жиҳатидан Чилида иккинчи ўринда турадиган Консепсьон шаҳри зилзиладан сўнг кўплаб кўприклар, темир йўллар, бинолар вайрон бўлган.

Рихтер шкаласи бўйича 8,8 балли зилзила 27 феврал куни юз берган, табиий офат оқибатида 800 нафардан зиёд одам ҳалок бўлган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

✦ РАНГИН ДУНЁ

## Коинотга саёҳат

### ЯҚИНДА ОДДИЙ ОИЛАВИЙ САЁҲАТГА АЙЛАНСА АЖАБМАС

***Коинотга саёҳат қилишни ким ҳам орзу қилмаган, дейсиз. Маълумки, фазога фақат космонавтларгина парвоз эта олади. Лекин бу кечаги гап. Биз техника тараққий этган замонда яшаяпмиз. Шу боис, коинотга нафақат космонавтлар, балки оддий инсонлар ҳам саёҳат қилиши мумкин. Буни қарангки, ушбу орзунинг рўёбга чиқишига жудаям оз фурсат қолди. Ишонмаяпсизми? Ҳозир Халқаро космик станцияга учиш истагида бўлган сайёҳлар учун шароитлар яратилган. Аммо, бу борадаги оилавий саёҳат илк бор амалга оширилиши кутилмоқда.***

**Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Бундан роппа-роса бир йил олдин Москвадаги «Арарат Парк Хайятт» меҳмонхонасида «Вирджин Галактик» компанияси «Коинотга оилавий саёҳат» номли лойиҳа тақдимотини ўтказган эди. Ўшанда британиялик мультимиллиардер Ричард Брэнсон инсоният тарихидаги биринчи йўловчи космик кема — SpaceShipTwo яратилганини расман эълон қилганди. Тақдимот чоғида Ричард «...бу коинотга саёҳатнинг бошланиши, вақти келиб ҳар бир инсон ўзини моҳир астронавтдек ҳис қилишига ишонаман», дея дунёга жар солган эди. Дарҳақиқат, беш йил давомида оммадан сир тутилган ушбу йўловчи космик кема шу кунга қадар бир неча бор синовдан ўтказилди. Энди коинот саёҳатига келсак. Маълумотларга қараганда, катта шовшувга сабаб бўлиши кутилаётган парвоз жорий йилнинг куз ойларида амалга оширилиши кўзда тутилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, фазо кемасининг махсус нусхаси синов парвозини аллақачон ўтаб бўлган. Кема корпусининг айрим қисмлари ҳам деярли йиғиб бўлинди. Айтишларича, асосий парвозга қадар кема 30 марта синовдан ўтказилар экан. Албатта, ушбу оилавий саёҳатдан кўзланган асл мақсад Халқаро космик станцияга учиш эмас. Фақат Ердан 100 км. баландликка кўтарилган йўловчилар оз бўлса-да вазнсизликни хис қилишлари ва коинотдан туриб сайёрамизни, юлдузларни томоша қилишларига шароит яратишдир.

Сўнгги маълумотларга қараганда, илк «Коинотга оилавий саёҳат» 2011 йилда уюштирилиши режалаштирилмоқда. Айтишларича, ушбу саёҳатга жазм этган кўнгиллилар ниҳоятда кўп экан. Ҳатто, чипталар ҳам олдиндан сотиб бўлинган. Қимматбаҳо харидлар қилишга ўрганиб қолган сайёрамиз миллионерлари бугун космосга чипта олишга навбатда туришибди. Ташкилий компания директори Стивен Аттенборонинг гапига қараганда, чипта баҳоси 200 минг АҚШ доллари қийматида баҳоланган бўлса-да, ҳозирда фазога учишни хоҳловчилар сони 85 минг кишига етган. Шунга қарамай, биринчи рейсда бор-йўғи 200 нафар йўловчи учиши кутилмоқда. Ҳозирда космик сайёҳатга отланган оилалар Американинг махсус машғулотлар марказида ўқув машқларини ўташмоқда.

Айни чоғда британиялик миллионер Ричард Брэнсон ҳам ўз оиласи билан режалаштирилаётган парвозга тайёргарлик кўриш билан овора. Ричард авваллари ҳам ўзининг ғаройиб саёҳатлари билан одамлар орасида машҳур бўлган. У ҳаво шарида сайёрамизни айланиб чиққан рекордсменлар сирасига киради. Шунингдек, у антиқа лойиҳалари(шулардан бири яқинда намойиш этиладиган сув остидаги сайёҳлик кемасидир) билан ҳам кўпчиликка маълум. Ричарднинг айтишича, у астронавт бўлолмагани, ўз орзусини амалга ошириш нияти унга тинчлик бермагани боис, ушбу саёҳатни ташкиллаштиришга қарор қилган экан.

Бугунги кунда фазога уча оладиган суборбитал қурилмаларнинг тахминан 30 та лойиҳаси тайёр. Улар Аргентина, Англия, Германия, Исроил, Россия ва Канада мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. «Вирджин Галактик» компанияси «Оқ рицарь-2» (WhiteKnightTwo) ҳамда «Космик кема-2» (SpaceAhipTwo) каби фазо кемаларида парвоз этишни таклиф этмоқда. Юзга яқин синов парвозларидан ўтиб бўлгач кемалардан бири ҳақиқий фазовий саёҳатга йўл олади. Аниқроқ айтганда, коинотнинг энг қуйи қатламига училар экан. Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Космик кема-2» кемаси «Оқ рицар-2» самолёти ёрдамида ердан 15 км. баландликка олиб чиқилади, кейин у ўз двигателида яна 100 км. баландликка кўтарилади. Шунда учиш вақти 2,5 соатни ташкил қилади. Кема энг юқори нуқтага етганда эса сайёҳлар олти дақиқа мобайнида вазнсизликни ҳис қилиб, диаметри 45 сантиметрли иллюминатор орқали коинотни томоша қилиш имконига эга бўладилар. Энг қизиғи, SpaceAhipTwo кемаси худди самолёт каби бус-бутун ерга қўна олади. Икки нафар учувчи ва олти йўловчига мўлжалланган фазовий кеманинг йўловчилар хонаси оддий реактив самолёт кабинасига ўхшаб кетади. «Оқ рицарь» самолёти эса иккита корпусдан иборат бўлиб, унга тўртта двигатель ва тўртта мотор ўрнатилган. Самолёт қанотининг узунлиги 43 метрни ташкил этиб, космик кема самолётнинг иккита корпуси орасига жойлаштирилган.



«Вирджин Галактик» компаниясининг ҳамкори «афсонавий авиамуҳандис» номини олган Бёрт Рутан WhiteKnightTwo самолёти ҳамда SpaceAhipTwo кемасининг қурилишига бошқош бўлган. Унинг айтишича, ушбу икки қурилманинг аввалгиларига нисбатан айни пайтда қурилаётганига бироз ўзгартириш киритилган. Бёрт Рутан бир неча йиллардан буён ўзининг антиқа учиш қурилмалари билан оммани ҳайратга солиб келмоқда. Дарвоқе, у беш йил аввал коинотга саёҳат қилган астронавтлардан биридир. Шунингдек, Бёрт ўзининг шахсий ҳаво кемасида самога парвоз қилган илк учувчи-синовчи ҳисобланади.

Ташкилий компания вакилининг айтишича, илк парвоз амалга оширилганидан сўнг, кема ҳафтасига уча бошлайди ва 10 йил давомида тахминан 50 минг киши коинотга саёҳат қилиши мўлжалланмоқда. Компания ушбу тантанали маросимни «Аэрокосмос тарихидаги янги асрга йўл очувчи халқаро премьера» деб атаган. Уларнинг тахминича, янги асрга йўл Калифорния чўлидаги космодромдан бошланади. Лекин илк саёҳатни аниқ вақти кўрсатилмаган. Буёғи синов парвозларига боғлиқ. Маълумотларга қараганда, илк йўловчи кема иккита станциядан, яъни ҳозирги кунда Нью-Мексика штатида қурилаётган космодром ёки Швециянинг Кирун шаҳридан парвоз этиши ҳам мумкин.

Дарвоқе, парвоз ташкилотчилари бу ҳақда ҳужжатли фильм ҳам яратишди. Мазкур фильмда сайёҳлар фантастик самолётда самога парвоз этиб, ердан 15 км. узоқлашгач лайнердан аллақандай капсула ажралиб чиқади. 110 км. баландликда эса самолёт ёқилғиси тугаб қолади. Бу фалокат эмас, балки саёҳатнинг энг кульминацион нуқтасидир. Учувчи қурилма қанотларини очиб қўниш мақсадида Ерга қараб учишда давом этади. Шу 5 дақиқа ичида йўловчилар камарларини ечиб, иллюминаторлар орқали Ерни, юлдузларни томоша қилишлари мумкин. Ушбу фильм йўловчиларга саёҳат ҳақида муайян тушунча бериш баробарида уларни бўлажак ростмана саёҳатга ҳам тайёрлайди. Ҳа, инсон орзусининг чек-чегараси йўқ. Орзуга эса айб йўқ, дейдилар.

НИГОҲ



# Яшаб яшнатаётган одамлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Алқисса, бугунги ҳикоямиз, вилоятнинг кўркам шаҳри Шаҳрихон ва шаҳрихонликлар ҳақида. Биз уни шаҳарнинг кечаги куни — ўтмишидан бошлашни лозим топдик. Зеро, улуғ адибимиз Абдулла Қодирий айтганларидек, мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир.

**ТАРИХИ:**

Шаҳрихон Фарғона водийсидаги аҳолиси зич, қишлоқ хўжалиги ва саноати ривожланган, санъат ва маданияти юксак йирик туманлардан биридир. Шаҳар ғарбдан Бўз, шимолдан Балиқчи, шарқдан Олтинкўл, Асака, жанубдан Фарғона вилоятининг Қува тумани билан чегарадош.

Туманнинг умумий майдони 334,6 кв. км. бўлиб, ҳозирда туман аҳолиси 270600 нафар кишини ташкил этади. Шаҳрихон туманида 12 та ҚФЙ, 76 та МФЙ мавжуд бўлиб, маркази Шаҳрихон шаҳри ҳисобланади. Туман хўжаликларини, асосан, Шаҳрихонсой сув билан таъминлайди. Шаҳрихон шаҳрининг умумий майдони 13,75 кв. км.ни ташкил этади.

Камолтепа – "Буюк ипак йўли"даги ҳунармандлар шаҳарчаси бўлиб, эндиликда шу номда қабристон ҳам бор. Олимларнинг хулосаларига кўра, Камолтепа I-IV асрларда йирик кулолчилик шаҳарчаси ҳисобланиб, кулолчилик буюмларини, асосан аёллар ясашган.

1963 йилдан 1970 йилгача Шаҳрихон уч марта шаҳар нуфузини, кейинчалик туманга бўйсунувчи шаҳар мақомини олган. 1974 йилдан эътиборан вилоят миқёсидаги шаҳар ҳисобланади.

**ҲУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС**

Ҳа, Ватан остонадан бошланади, деган гап ота-боболаримиздан қолган. Шу ерда Ватан остонадан, остона эса маҳалладан бошланишини айтиб ўтиш ўринлидай.

6 мингдан зиёд кишига Ватан - "Андижонлик" маҳалласига йўл олдик. Замонавий типда қурилган янги, серҳашам "Андижонлик" МФЙ идорасига ҳавасимиз келганини сезди чоғи, бизни кутиб олган маҳалла раиси, туман кенгаши депутати Аббосхон ака Тўйчиев гап бошлади:

- Бир пайтлар бу ер ташландиқ, каровсиз аҳволда бўлиб, тўғриси қилаётган яхши ишларимиз ҳам шу ернинг шарофати билан кўзга кўринмас, билинмай кетар эди. Ва ниҳоят маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб, шу ерни обод қилишга қарор қилдик. Очиғи, қисқа муддат ичида ҳашар йўли билан шундай муҳташам маҳалла идораси қуриб битказамиз, деб ўйламаган эдик. Бу ишга барча бирдай маҳалла аҳлидан тортиб, ҳозир пойтахтда нуфузли идораларда ишлаётган маҳалла фарзандларигача ўз ҳиссасини қўшдилар.

"Андижонлик" маҳалла аҳолисининг 70 фоизи, асосан ҳунармадчилик билан шуғулланишини эшитиб, уларнинг ишини бориб кўришга қарор қилдик.

Болаларнинг шодон қийқириқларига хонаки қушларнинг сайроқи хониши қўшилиб кетган хонадонда чевар опахонни иш устида учратдик.

- Дўппичилик менга онамдан мерос. Уларнинг айтишларича, мен тўртинчи авлод вакилиман,- дейди маҳалланинг қўлигул, ҳунарманд опахони Ёрқиной Тўйчиева.

Опахоннинг қўлига тушиб, осонгина таслим бўлаётган нина-ипларнинг ҳаракатини кузатамиз. 2 нафар қиз, 2 нафар келинига, 35 йил давомида 100 дан зиёд шогирдига касбининг сир-асрорларини эринмай, кунт билан ўргатиб, уста қилиб етиштирган опа бекорга маҳалланинг севимли кишиси, суянчиғига айланмаганига амин бўламиз.

Дўппиларнинг турию, бир дўппи тайёрланишига кетадиган вақт билан қизиқамиз.

- Ўтириб кунт билан ишласангиз бир дўппи 5-6 соатда тайёр бўлади. Дўппиларнинг 10 дан зиёд тури бўлиб, маҳаллий аҳоли, асосан ниҳол, сирға нусха дўппиларини яхши кўриб кийишади.

Ҳозир маҳалланинг 10 нафар қизи, келинига устозлик қилаётган, топган-тутгани ўртада Ёрқиной опанинг келажакдаги режаларини ҳам билгимиз келади.

- Баҳордан 10 бошга яқин қорамол, соғин сигир олиб, ёрдамчи хўжалик ташкил қилиб, ферма очиб, ҳудудимиздаги болалар боғчасини ўзимиз сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаймиз,- дейди кулиб Ёрқиной опа.

Яхши ният ярим мол. Уй-рўзғор, бола-чақа, турмуш ўртоғининг кўнглига қараш каби ташвишлардан ортиб, тиниб-тинчимаётган опадан яхши тадбиркор чиқишига шубҳаланмаса ҳам бўлади.

- Биласизми, бизда ҳунармандчилик ҳеч қачон бугунги кундагидай ривожланмаган ва такомиллашмаган эди, - дейди туман "Ҳунарманд" уюшмаси раиси Мухтор ака Юсупов. - Мустақиллик шарофати билан ҳунармандлар елкасига ҳам офтоб тегди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Сабаби, республикамизнинг барча ҳудудларида уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, манфаатларига хизмат қиладиган, бир сўз билан айтганда ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлайдиган республика "Ҳунарманд" уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. Уюшмага аъзо бўлган ҳунарманд энг аввало эркин меҳнат қилади, даромад солиғидан озод бўлади, қолаверса, ўз маҳсулотини бемалол сотиш имкониятига эга бўлади. Биз бу каби ғамхўрлик, эътибор учун муҳтарам Юртбошимизга ҳар қанча раҳмат айтсак кам.

Шаҳрихон бозорини кезар эканмиз, бозор расталарини тўлдириб турган, бир-биридан қолишмайдиган миллий ҳунармандчилик намуналари, турли хил буюмларни кўриб кўзимиз қувнайди.

- Илгари пичоқ ясаб, унинг орқасидан тирикчилик қилишнинг ўзига яраша қийинчилиги бор эди,- дейди пичоқчи уста Рустамжон Жалолов. – Ясаган пичоқларимиз, 10-12 см.дан ошмаслиги шарт эди, ота-боболаримиз ясаган қиличларни ясашга, деярли рухсат беришмас эди. Боз устига бизга эркин меҳнат қилиш бахтини берган бугунги кунимизга ҳар қанча шукрона айтсак кам.

Уста ясаган бир-биридан чиройли, нафис, дид билан ишланган турли ҳажмдаги пичоқ, сувенир қиличларни кўриб, уларни нодир буюмлар сотиладиган дўкон пештахталарида савлат тўкиб турган хориждан келтирилган қимматбаҳо буюмлардан қолишмаслигига амин бўламиз. На кўриниши ва на сифатида фарқ қилмайдиган Рустамжон аканикига ўхшаган буюмларнинг ягона фарқи, уларнинг чет элдан келтирилган буюмларга нисбатан анча арзонлигида. Шу сабаб ҳам ўзимизда қадрланаётган, қолаверса, юртимизга ташриф буюраётган чет эллик меҳмон, сайёҳлар ўртасида катта қизиқиш уйғотаётган миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини дунё бозоридан муно-



сиб ўрин эгаллашларига оз муддат қолди, деб бемалол айтсак ва бунга ишонсак бўлади.

**ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...**

Шаҳрихонда шахсий томорқасидан унумли фойдаланиб, меҳнатининг орқасидан бозордан фақат ош тузию, қуруқ чой сотиб олаётган хонадонлар борлигини эшитиб тўғриси унча ишонмаган эдик.

- Бизнинг ҳудудда томорқасидан унумли фойдаланиб барчага ўрнак бўлаётган оилаларнинг сони 60 дан зиёд, - дейди фахр билан "Бешмаҳалла" МФЙ раиси Назиржон ака Маматқулов. - Ҳақиқатда бу хонадонлар қилаётган саъй-ҳаракат, деҳқончилик борасида улар эришаётган ютуқлар республикада тарғиб этишга арзийди.

Унча катта бўлмаган, бироқ ҳаммаёқ саранжом-саришта ҳовлида биз деярли барча уй ҳайвонини учратдик. Қорамол, соғин сигир, қўй, товуқ, қуёнгача бор бўлиб, энг қизиғи, барча уй юмушлари оила раҳбари томонидан тартиб билан тақсимланиб, ҳар бир уй ҳайвонининг алоҳида боқувчиси, яъни фермери бор экан.

Тўрт ярим сотих ерига иссиқхона қуриб, ундан бир мавсумнинг ўзида 4,5-5 млн.га яқин даромад олаётган, рўзғорини бутун, дастурхонини тўкин-сочин қилиб, ички бозорларни ҳам сифатли, ҳам арзон полиз маҳсулотлари билан тўлдиришга ҳиссасини қўшаётган деҳқон Турсунбой ака Абдураззоқов оиласига бугун кўпчиликнинг ҳавас қилиши турган гап.

Эрта баҳордан помидор, бодринг, булғор қалампири, ошкўкдан тортиб, сут-қатиқ, қаймоқ, табиий сариёғ, гўшт маҳсулотларининг хилма-хили ва ҳатто, балиқни ҳам ўзида етиштиришни йўлга қўйган Турсунбой ака хонадони чинданда ибрат бўлишга арзигулик.

- Бозордан фақат гуруч, ёғ сотиб олсангиз кераг-а, қизиқиб сўраймиз қаҳрамонимиздан.

- Йўқ, ҳатто гуручни ҳам ўзимиз етиштирамиз. Ҳар йили эрта баҳордан 7-8 сотих ерга аввал картошка экиб, унинг ҳосили йиғиштириб олингач, шоли экамиз. Қарабсизки, гуруч ҳам ўзимиздан. Ҳар замонда пахта ёғи, ош тузи, қуруқ чой демасангиз, бозордан бошқа бирор нарса сотиб олмаймиз, - дейди хонадон соҳиби.

Ота ҳовлида 2 оила биргаликда меҳнат қилаётган, меҳнати, роҳати, топган-тутгани ҳам ўртада, аҳил яшаётган ака-укаларнинг маҳалла-кўй ўртасида обрў топаётгани ҳам бежиз эмас экан.

- Маҳалла, маҳалладошлари учун нима ёрдам сўралса Турсунбой ака доим тайёр. Бирор марта йўқ демаган ёки оғринмаган,- дейди МФЙ раиси Назиржон ака.

Ҳовлининг бир четида турган тегирмонга кўзимиз тушди. Демак рўзғорга ишлатиладиган ун ҳам деҳқончилик экан-да, деган фикр хаёлимиздан ўтди.

Бирдан атрофни сутга қорилган ноннинг ҳиди ва сариёғга дамланган ошнинг хуш бўйи тутди. Ерига бор меҳру муҳаббатини бериб, уни парваришлаётган, меҳнатига яраша даромад олаётган уддабурон, асл деҳқоннинг фаровон оиласини кўриб чин дилдан қувондик. Қаловини топсанг қор ёнади, деган гап айнан Турсунбой акага ўхшаган тадбиркор инсонлар учун айтилган бўлса не ажаб.

**АЁЛИ ОҚИЛА, ИШБИЛАРМОН БЎЛСА ЭЛНИНГ...**

- Суҳбатдошларимиз фақат қўлигул ҳунармандлару деҳқонлар бўлиб қолмадими - худди кўнглимдагини билгандай сўраб қолди, ҳамроҳимиз Зулфия опа. - Энди сизни Шаҳрихоннинг сулув ва илғор қизи, ишда, ҳатто, манаман деган эркакни ҳам доғда қолдирадиган тадбиркор аёл Одинахон Отахонова билан таништираман.

Бизни қатъиятлилиги шундоқ юзидан кўриниб турган, истарали, 30-35 ёшлар атрофидаги аёл кутиб олди. Тўғриси юқоридаги таърифу тавсифларни эшитиб, катта ҳаёт тажрибасига эга, ёши каттароқ опахонни учратамиз, деб ўйлаган эдик. Одинахоннинг фаолиятига назар солиб, ақл ёшда эмас, бошда деганлари шу бўлса керак, деган фикрга бордик.

"Иномжон-Файз" хусусий чорвачилик фермер хўжалиги раҳбари сифатида иш бошлаган Одинахоннинг фаолиятига ҳам оз эмас кўп эмас, етти йил тўлди. Аҳамиятлиси, фермер хўжалиги ташкил бўлгандан буён қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлатга сотиш шартномавий режаси юз фоиздан ошириб бажариб келинмоқда.

Кенг ва мўл фермер хўжалигини айланар эканмиз, 400 бошга яқин қорамолларнинг хилма-хиллиги эътиборимизни тортди. Буни сезди чоғи, фермернинг ўзи гап бошлади.

- Бу бошқачароқлари чет элдан келтирилган. Тажриба тариқасида 100 бошга яқин зотдор қорамолларни Хитой, Польша ва Германиядан келтирган эдик. Бошида уларни бизнинг шароитга мослашиши бир оз қийин кечди, бироқ алоҳида парвариш, эътибор ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Бугунги кунда уларнинг сони 200 бошдан ошди.

Тиниб-тинчимас аёл ўтган йили яна бир хайрли ишга қўл урди. Фермер хўжалиги қошида касаначилик асосида тикувчилик цехи ташкил этилиб, натижада 80 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди.

Иссиқхоналаридан унумли фойдалана билган Одинахон уларнинг сонини яна 2 тага кўпайтирди. Айни дамда Хитой усулидаги иссиқхоналарда ҳам иш қизғин.

Аёл боши билан биргина ўтган йилнинг ўзида 20 млн. атрофида ҳомийлик ёрдами кўрсатган аёлнинг саховатига қойил қолмасликнинг иложи йўқ.

Бир пайтлар бор-йўғи 5 та ишчи ва қўлида озгина сармоя билан иш бошлаган Одинахонни бугун юртдошлари тадбиркор, ишбилармон, меҳрибон раҳбар, меҳнатсевар, намунали оила бекаси ва она сифатида танийди. Бахтли бўлиш учун аёл кишига бундан ортиқ яна нима керак?

Қиймати 52 минг евро бўлган сутни қайта ишлаб чиқариш ускунасини Украина давлатидан олиб келишни режалаштириб, бу борада тегишли идоралар билан музокаралар олиб бораётган Одинахонни аждодларимиз - Бибихоним ва Тўмарисларга ўхшатгимиз келди.

**ШАҲРИХОН ГИЛАМЛАРИ**

Сал бўлмаса Шаҳрихон гиламлари деб ном чиқарган гиламларни бориб кўришни унутаёзибмиз.

5-6 ой илгари бироз иккиланиб, 15-20 чоғли маҳалла аёллари билан иш бошлаган Одилжон ишнинг бунчалик тез ривожланиб кетишини кутмаган эди. Рости ҳам шу қисқа муддат ичида 70-80 нафар маҳалла хотин-қизларини ростмана иш билан таъминлаб, уларга зарур шарт-шароит яратиб бериш, ҳатто тушлик овқатни ҳам корхона ҳисобидан ташкил қилиш, энг муҳими маҳсулотларини рақобатбардош бўлишига эришиш ҳар қандай ёш корхона учун осон иш эмас.

- Тўғриси гилам цехини Марғилонда кўриб ҳавас қилувдим,- дейди биз билан суҳбатда «Шаҳрихон гиламлари» кичик хусусий корхонаси раҳбари Одилжон Мўминов. - Жой масаласи ҳам бир пасда ижобий ҳал бўлиб, ҳокимият Абдубий ҚФЙга қарашли Шерқўрғон маҳалласи идораси биносини биз учун ажратиб берди. Ишлашни хоҳлаган аёлларни ишга қабул қилиб, уларни навбат билан Марғилонга юбориб ўқитиб ҳам келдик.

Бораётиб гилам цехида ҳозирда ички бозорларимизни тўлдириб турган, табиийсидан кўра сунъий тола кўпроқ ишлатиладиган, шу сабаб ҳам унча харидоргир бўлмаган гиламларни учратсак керак, деб ўйлаган эдик.

Бироқ, катта, иссиқ хоналарда гилам тўқиш дастгоҳларида берилиб ишлаётган, ишидан мамнун қизлар ва улар тўқиётган турли ҳажмдаги гиламларни кўриб, рости, шошиб қолдик.

Ўз касбини бир ой муддатда тўлиқ ўзлаштириб, моҳир ва чаққон тўқувчи деб танилган Гулмира Ҳошимова ишини кузатамиз.

Ярми битай деб қолган 1х1,20 ҳажмдаги гиламнинг гуллари шу қадар тиниқ ва нафиски, уни тайёр ҳолатда кўрган кишининг ҳаваси келмай иложи йўқ. Чиндан-да санъат асари даражасидаги ўзимизнинг хомашё - тоза ипакдан тайёрланадиган дурдона гиламларни ҳеч иккиланмасдан Эрон гиламларига тенглаш ва ҳатто, ундан ортиқ деб баҳолаш мумкин. Қўл меҳнати, унинг кучи билан катта-кичиклигига қараб 2-3 ойдан 5-6 ой муддатга яқин вақтда тайёр бўладиган гиламларнинг баҳоси чиндан-да бебаҳо. Ҳақиқатан ҳам бу гиламларни тўқишга сарфланган сабр-тоқат, кўз нури, қалб қўри, меҳр-муҳаббатнинг ҳисобига етиб бўладими? Эҳтимол, уларга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг кундан-кунга ортиб бораётганининг сабаби ҳам шундадир.

Ишлар шу зайлда кетаверса, Шаҳрихон гиламларининг донғи етти иқлимни тутишига, вақти соати етиб шу корхонада ишни кичикдан бошлаган Шахрихон аёллари тўқиётган гиламлар жаҳон бозоридан муҳим ва муқим ўрин тутиши шубҳасиз.

- Ўтган 2009 йил 27 декабрь куни бўлиб ўтган сайловлар ҳақиқий демократик руҳда бўлиб ўтди. Бу ҳақда Юртбошимиз жорий йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам кенг тўхталдилар. Қолаверса, мамлакатимиз сайлов тизими халқаро стандартлар ва принципларга тўла жавоб бера олиши бутун дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилди, дейди биз билан суҳбатда ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Зулфия опа Ҳайдарова. - Бизнинг партиядан 10 нафар номзоднинг туман ва вилоят кенгашларига депутат бўлиб сайланганлигини ҳам фахр билан таъкидлашни хоҳлардим. Муболаға бўлиб туюлмасину депутат мақомига эга бўлганларнинг барчаси шу номга лойиқ инсонлар, қолаверса, улар юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида таъбир жоиз бўлса, жонини фидо қилишга ҳам тайёр деб айта оламиз.

**ХУЛОСА ЎРНИДА...**

Чиндан-да қаерда, ким билан бўлмайлик ва суҳбатлашмайлик бизни ҳайрон қолдирган жиҳат Шаҳрихон халқидаги эртанги кунга ишонч, ҳаётдан завқ туйиб, аниқ мақсад ва маслак билан яшашга интилишни кўриш бўлди.

Ишбилармоннинг ички имкониятларидан фойдаланиб мактаб, боғча қуриб бериш, уни бошдан-оёқ энг сўнгги русумдаги инвентарлар билан таъминлаш ҳар доим ҳам содир бўлмайдиган янгилик.

Мактаб ва боғча қурдириш учун кишига фақат маблағнинг ўзи камлик қилади. Бугун шахрихонликлар фидойи, ватанпарвар юртдошлари, тадбиркор Отабек Саматов билан ҳар қанча фахрланишса арзийди. Шаҳрихоннинг кўркига кўрк бўлиб қўшилган замонавий ва миллий архитектура уйғунлашуви асосида бунёд этилган эртакнамо мактабни кўрган кишининг ҳаяжонланиши табиий.

Биз Шаҳрихонни айланар эканмиз, тўғриси кўнгилни хира қиладиган бирор жиҳатни кўрмадик. Муҳтарам Юртбошимизнинг кўрсатмалари асосида иш юритаётган туман ҳокими Фазлиддин ака Расуловнинг эртанги кундан умидлари бир дунё. Дарҳақиқат, нурли келажак яратиш



йўлида интилаётган шаҳрихонликларни, уларнинг ибратомуз ишларини ҳар қанча олқишласак арзийди. Янги мактаб биноси олдида туриб шундай фикрларни хаёл қиламиз. Шаҳрихондан 2 та академик, 20 дан ортиқ фан доктори, юздан зиёд фан номзоди, республика миқёсидаги машҳур давлат арбоблари етишиб чиққанини эшитган эдик. Кўриб, фикр қилиб уларнинг сони яқин орада янада ошиши аниқ деган хулосага келдик. Бошида биз туман ҳақида кичкинароқ мақола қилишни мўлжаллаган эдик. Бироқ, туманда қилинаётган ибратли ишларни ёзишга катта мақола ҳам камлик қилар экан. Сўнгги сўз ўрнида Шаҳрихонни обод ва кўркам қилишга бел боғлаган ва ана шу улуғ мақсад йўлида меҳнат қилаётган инсонлар бор ва омон бўлишсин, деб айтишни лозим топдик.

**Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

tR

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
e-mail: milliyt@sarkor.uz

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 223, Адади — 5116

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи:
Беҳбуд БОТИРОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.20.

1 2 3 5